ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган № 118 (9.768) 2002 йил 7 октябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

САНОАТ

Мўъжаз тракторлар – фермерларга

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари кўплаб техникалар билан таъминланди. «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти машинасозлари қўлидан чиқарилаётган агрегатлар ҳам миришкор деҳқонлар оғирини енгил қилмоқда.

Кўпчиликка манзур бўлаётган ихчам тракторларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли корхона қисқа вақт ичида бундай агрегатлардан 650 тасини йиғиб, тайёр ҳолига келтирди. Улар фермер хўжаликларига етказиб берилмоқда.

Бундай техник жараённи йўлга қўйишда Пахта банк томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси кўл келди. Ижтимоий аҳамият касб этган бу лойиҳа доирасида ихчам тракторларни йиғиш учун ҳам кредитлар ажратилди.

Тракторсозлар банк ёрдами билан яна қатор техника янгиликларини амалга ошириш имконига эга бўлмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ҚИСҚА сатрларда

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман «Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Банклар ассоциациясида шаҳримиздаги банклар раҳбарлари иштирокида ўтказилган анжуман кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш ҳамда банкларни монополиялаштириш масалаларига бағишланди.

● **ШУНИНГДЕК**, Республика марказий банкида шу соҳа мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимизда кредит уюшмалари ташкил этишнинг чора-тадбирлари ҳақида сўз борди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳалласида фаоллар иштирокида ўтказилган «Фарзанд тарбиясининг долзарб масалалари» мавзуидаги семинар-тренинг туман ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЎРТА** махсус касб-ҳунар таълим марказида педагоглар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Япония халқаро ҳамкорлик банки томонидан шаҳримиздаги коллежларни замонавий технологиялар билан таъминлаш мақсадида грант шартномаси асосида маблағ ажратилганлиги маълум қилинди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Бегойим» сервис ўқув марказида 500 нафар қизлар таҳсил ола бошладилар. Бунда улар либослар, парда, чойшаблар тикишни ўрганишдан ташқари қандолат маҳсулотлари тайёрлаш сирларидан ҳам воқиф бўладилар.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги қўшимча таълим марказида ўтказилган йиғилишда гиёвандликка қарши кураш маркази ташкил этилганлиги маълум қилинди.

● **«ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО»** акциядорлик жамиятининг кўргазмалар залида «Файз холдинг» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган мебеллар кўргазмаси намойиш этилди. Унда мебель жиҳозларидан ташқари мебелсозликда зарур бўлган технологияларнинг ҳам намойиш этилгани айни муддао бўлди.

● **ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР** маданият саройида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан адабиёт, санъат соҳасида фаолият олиб бораётган ижодий жамоалар ўртасида ташкил этилган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг ўзбек болалар адабиёти ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган адиблар Пўлат Мўмин ва Носир Фозиловлар билан ижодий учрашув ўтказилди.



«TASHKENT ZENNER» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бир неча йиллардан буён самарали фаолият юритиб келаётган корхоналар сирасига киради. Бу ерда жаҳон талабларига мос келадиган сифатли ва чидамли сув ва иссиқлик жиҳозлари ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: корхонанинг етакчи йиғувчиларидан бири Равшан Оқназиров.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тожикистонда бўлиб «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида катнашди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ердан фойдаланиш, инфратузилма ва транспорт вазирининг ўринбосари С.Ивамура раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлди. Музокарада Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Шу куни делегация аъзолари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳамда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси раҳбарияти билан ҳам учрашди.

● Аҳмад Абдулло Ар-Рабе раҳбарлигидаги Қувайт парламенти делегацияси Ўзбекистон Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Борис Бугров билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг парламентлараро ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Қувайтлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ганиев билан ҳам учрашиб ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, келгусида белгиланган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашдилар.

● Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган «Осиё-Вест» компанияси ўз ҳамкори «Юниверс» қўшма корхонаси билан янги маҳсулотлар тақдимотини ўтказди.

● Навоийда «Лизинг- бу Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш воситаси» деб номланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг парвозлари харитасидан Токио ҳам ўрин эгаллайдиган бўлди. Шу йилнинг 6 ноябрида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг Токиога мунтазам парвозлари бошланади.

● Ўзбекистон 1995 йили Осиё Тараққиёт банки (ОТБ)га аъзо бўлган эди. Шундан буён мамлакатимиз мазкур халқаро молия муассасаси билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган етти йил давомида мамлакатимизда ОТБ ҳамкорлигида умумий қиймати 497 миллион АҚШ долларига тенг ўндан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шу ҳамкорлик одимлари ва истиқболда белгиланган режалар хусусида сўз борди.

● Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан профессор Усмон Қорабоевнинг «Ўзбек халқ байрамлари» китоби кўп нусхада чоп этилди.

● Бухоро вилоят педагог-ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида 1986-1987 йилларда туғилган, инглиз тилига қизиқувчи мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларининг ҳудудий танлови бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Устоз» республика жамғармасининг «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» деган шиор остида ўтказган республика танловига якун ясалди. Унда 30 дан ортиқ ўқув қўлланмалари ғолиб деб топилди ҳамда совринли мукофотлар билан тақдирланди.

● Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида биринчи Тошкент халқаро болалар расмлари танлови якунланди. Ҳайъат қарорига кўра мазкур халқаро танлов бош мукофотига ҳамюртимиз тошкентлик 13 ёшли Мадина Содиқова лойиқ деб топилди.

● Самарқандда ўтказилган теннис бўйича халқаро «Челленжер» турнири ниҳоясига етди.

Жаҳонда

● АҚШ самолётлари Ироқ ҳудудига янги зарбалар берди. Америка марказий қўмондонлигининг маълумотига кўра «Ироқнинг душманона хатти-ҳаракатларига жавоб» сифатида АҚШ ва Буюк Британия самолётлари Бағдод жанубидаги Эл-Кут шаҳри яқинидаги ҳарбий радар тизимига зарбалар берди.

● Америкалик ҳарбийлар Афғонистоннинг Урузгон вилоятида катта қурол-яроғ омборини топишди. Бу америкаликлар томонидан кейинги икки ҳафта ичида топилган учинчи йирик қурол-яроғ омбори ҳисобланади.

● Чеченистондаги араб ёлланма аскарларини хориждаги ҳомийларга боғлаб турувчи Абу ал -Валид билан алоқалари узилиб қолди. Ғойиб бўлган ал-Валидни ҳомийлар ҳалок бўлди, деб ўйлашмоқда. Агар шу гап рост бўлса, унинг ўрнига бошқа номзод топиш мўлжалланмоқда.

● Россия Федерацияси бош прокуратураси ходимлари Владикавказ шаҳрида қатор йирик террорчилик ҳаракатларини ташкил этиш ва амалга оширишда гумон қилинаётган уч кишини ҳибсга олишди.

● Италия мудофаа вазирлиги Афғонистонга ўз ҳарбий бўлинмасини йўлламоқда. Мамлакат мудофаа вазири Антонио Мартинонинг маълум қилишича, жами мингга яқин ҳарбийлардан иборат қуруқлик қўшинлари бўлинмаси келаси йилнинг март ойида Афғонистонга ўтказилади.

● Афғонистонда Усама бин Лодиннинг ўринбосари ва унинг энг яқин кишиси Аймон ал-Завохирий ўлдирилди. Афғонистондаги айрим манбаларнинг таъкидлашига кўра, унинг ўлдирилиши жанговар ҳаракатлар пайтида эмас, балки номаълум шахслар томонидан амалга оширилган махсус операция жараёнида юз берган.

● Лондон метрополитени ходимлари 24 соатлик иш ташлаш эълон қилишди. Метрополитен ходимлари иш ҳақининг атиги 3 фоиз оширилишига қарши норозилик сифатида иш ташлашни ўтказмоқда.

● Тель-Авив округ судида Фаластиннинг «Танзим» гуруҳи ҳамда Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғидаги «Аль-Ахса» гуруҳи раҳбари Морван Баргутий устидан суд жараёни давом этмоқда.

● Латвия Президенти Вайра Вике-Фрейбер журналистларга берган баёнотида «Латвия фуқароси бўлмаган кишилар тезроқ Латвия фуқаролигини олишлари ёки мамлакатни тарк этишлари зарур» деди.

ТАЪЛИМ

Халқаро илмий анжуман

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида «Психология фани XXI асрда» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг вилоятлардаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг умумий, ижтимоий психология, педагогик ва ёш психологияси, амалий, тиббий психология йўналишлари бўйича ўзлари олиб бораётган илмий изланишлари натижалари тақдим этилди. 100 га яқин илмий маърузалар қисқача баёнининг халқаро илмий-амалий анжуман арафасида тўплам ҳолида нашр этилиши масъулиятни кучайтириш, фикр алмашиш, уларга тегишлича баҳо бериш имкониятларини янада кенгайтирди. Тўпламдан ўрин олган тажриба ва муаммолар нафақат мутахассис олимлар, педагог, мураббийлар учун, балки ҳаётда ўз йўлини танлаётган ёки танлаган, ўзликни англамоқчи бўлганларга ҳам жуда қўл келади. Жамиятимизни янгилаш ва ривожлантириш, шахсий ҳаётни тўғри йўлга олиб чиқиш учун фикрлашда руҳий, илмий мушоҳада юритиш имкониятини беради.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

АЛОҚАЛАР

Япония киноси Ўзбекистонда

Юртимизда жаҳон халқлари билан ҳар бир соҳада ўрнатилаётган ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, маънавий-маданий соҳадаги алоқаларга катта эътибор берилмоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида ҳар йили пойтахтимизда мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган турли давлатларнинг кино фестивали кунларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Пойтахтимизнинг Киночилар уйида «Япония киноси кунлари» бошланди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон кино уюшмаси ташаббускорлиги остида ўтказилаётган ушбу фестиваль 11 октябргача давом этади.

Ушбу санъат фестивалига ташриф буюрган юртдошларимиз Япония киноижодкорларининг турли йилларда яратган «Набининг севгиси», «Ўрмон афсонаси», «Бардаги арвоҳ», «Кўчиш», «Токиода 24 соат», «Жасур қўёш шаҳзодаси», «Ўликлар мамлакати» каби бир қанча қизиқарли кинофильм ва мультфильмларни томоша қилишлари мумкин.

Нигора ТЎХТАМАТОВА

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛСИН

САЙИЛГОҲДА ГУЛ БАЙРАМИ



ЎТГАН КУНИ

пойтахтимизнинг энг хушманзара гўшаларидан бири — Сайилгоҳ дам олиш маскани эрта тонгданоқ ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонлари билан гавжум бўлди. Карнай-сурнай ва ноғораниг чиройли наволари узоқ-яқиндан кишиларни бу ерга чорлай бошлади. Зеро, шу куни, аввал хабар берганимиздек Сайилгоҳда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Экосан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ташаббуси билан Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган анъанавий «Тошкент гуллари» гуллар кўрик-танлови ва кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тадбирни очар экан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев кўргазма иштирокчиларини қутлаган ҳолда, унда давлат корхоналари, фахрий гулчилар, ҳаваскорлар, шунингдек, ўқувчилар ҳам фаол иштирок этаётганлигини таъкидлади ва бу каби кўрик-танловларнинг айниқса ёш авлодни табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, экологияни асраш руҳида тарбиялашда аҳамияти нечоғлик катта эканлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, бу каби кўргазмаларни шаҳримизни гуллар масканига айлантириш йўлидаги самарали саъй-ҳаракатларнинг меваси дея таърифласак, янглишмаган бўламиз. Қувонарли томони шундаки, биргина жорий йилнинг ўзида шаҳримиз ҳудудига 2 миллиондан ортиқроқ бир йиллик ва кўп йиллик гуллар экилди. Айниқса, кенг ва текис шоҳкўчаларимиз атрофлари 60 хилдан ортиқроқ анвойи гулларга бурканди. Ҳозирда шаҳримизда гулхоналари бўлмаган бирорта хиёбонни учратмайсиз. Уларнинг барчаси амалий услубга асосан безатилган. Октябрь ойи охирларидан бошлаб эса илгари хиёбонларга экиладиган совуққа чидамли, қишга турадиган нарцис, виола, маргаритка каби гулларнинг 7 хили илк бор шоҳкўчалар атрофларига ҳам экилади...

Энди «Тошкент гуллари» кўрик-танлови ва кўргазмаси хусусида тўхталадиган бўлсак, гўёки шу куни Сайилгоҳ марказига турфа гуллар поёндози ёзилди. Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги, Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент гуллари» дўкони томонидан ташкил этилган анвойи ва ноёб гуллар кўргазмага алоҳида кўрк бағишлаган бўлса шаҳримизнинг барча туманларидаги экологияга тааллуқли мактаблар томонидан тайёрланган гуллар ва ҳайвонот дунёсига оид плакатлар, китоблар кўргазмаси, жонли бурчаклар, қуритилган гуллар тўпламлари ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Биз тадбирнинг айрим иштирокчилари ва гўзаллик ихлосмандларини суҳбатга тортдик.

— Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида 31 йил фаолият кўрсатганман, ҳозирда нафақадаман, — дейди биология фанлари номзоди Аркадий Кузьмич Киятkин, — Ҳаётимни гулларсиз асло тасаввур қилолмайман, ҳозирда «Бўзсув» сув иншоотида маслаҳатчилик вазифасини ҳам бажаряпман. Мен ишлаб чиққан технология бўйича Ўзбекистонда илк бор Голландия хризантемаларининг март, август, сентябрь, октябрь, январь ойларида гуллашига эришдик. Ушбу сифати юқори гуллар Экосан халқаро жамғармаси томонидан ўтказилган танлов, «Флора—2002» кўрикларида дипломлар билан тақдирланди. Ҳозирда тадбиркор Самуғ Сидиқов билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Оқ ва сариқ рангдаги Ўзбекистон ва Тошкент юбилейи гуллари учун муаллифлик гувоҳномасини олганмиз. 50 турдаги Голландия хризантемаларини етиштириб, шаҳримиздаги гул дўконларига етказиб беряпмиз.

— Табиатни жони-дилимдан ортиқ севаман, — суҳбатга қўшилди Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Сирожиддин Раҳматуллаев. — Уйда канарейка, саъва, бедана боқаман, тувакларда чиройли гулларим бор. Кўргазмага жуда кўплаб ноёб ва гўзал гуллар қўйилганини кўрдим. Уларнинг бир нечтасини албатта харид қиламан.

Шу куни тадбир доирасида гуллар ва нафосат мавзуларида тўрт хил танловлар ўтказилиб, ғолиблар ташкилотчилар томонидан ажратилган қиммат баҳо совғалар билан тақдирланди. Юнусобод, Ҳамза, Миробод ва Шайхонтоҳур туманлари маданият ишлари бўлими тасарруфидаги маданият уйлари бадиий жамоалари ижросидаги жозибали куй-қўшиқлар, дилтортар рақслар «Тошкент гуллари» кўргазмасига ўзгача файз бағишлади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: «Тошкент гуллари» гуллар кўрик-танлови ва кўргазмасидан лавҳалар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.





XIV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

ЧУСОВИТИНА — ТУРНИР МАЛИКАСИ

14th Asian Games BUSAN 2002 9.29 - 10.14

Ўтган ҳафтанинг охирги кунлари Осиё ўйинларида иштирок этаётган ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди.

Спорт гимнастикаси мусобақаларида иштирок этаётган ҳамюртимиз Оксана Чусовитина эса том маънода Осиё ўйинлари маликасига айланди. Илгари Чусовитинанинг биттадан олтин ва кумуш нишонларини қўлга киритганлиги тўғрисида хабар берганмдик. Бу гал Оксана эркин машқларда олтин, шунингдек яна бир кумуш медалнинг соҳиби бўлди. Демак, Чусовитина терма жамоамиз жамғармасига икки олтин ва икки кумуш медаль келтириб, нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Сузувчилар баҳсида эса энг мураккаб масофалардан саналмиш 50 метрга сузишда Равил Начаев олтин нишонларни қўлга киритди.

Теннисчилар баҳсида эса эркакларимиз бронза нишонларига эга бўлишди.

Ўзбек миллий спортининг жаҳон миқёсига чиқаётганини кўрсатувчи яна бир қувончли воқеа. Маълумки, Юртбошимиз ташаббуслари билан миллий курашимиз бундан тўрт йил муқаддам халқаро майдонда ўзининг дастлабки одимларини ташлаган эди. Осиё ўйинлари доирасида Пусан шаҳрида курашнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Осиё ўйинларида қатнашаётган 44 мамлакат вакилларига миллий курашимиз усуллари кўрсатилди, полвонларнинг кўргазмали чиқишлари уюштирилди.

Бу курашимизнинг Дохада ўтказиладиган кейинги Осиё ўйинлари дастурига кириши, кейинчалик олимпиада ўйинлари қаторидан ўрин олиши йўлидаги дастлабки, бироқ салмоқли қадамлардан бири бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: Осиё ўйинларидан лавҳа.

Анвар Илёсов («Жаҳон» АА) олган сурат.



ХАЙРАЛИ РЕЖА

Профессионал бокснинг WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпионлигини 17 бор ҳимоя қилган ҳамюртимиз Артур Григорян айни кунларда Тошкентда. Шуниси эътиборлики, яқиндагина италиялик рақиби Стефано Зоффни мағлуб этган Артур Григорян агар жорий йилнинг 13 декабригача жаҳон чемпионлигини сақлаб қололса, дунёнинг энг моҳир, енгилмас ва кўпкарра ғолиби бўлган спортчиси сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

УЙ ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТИ:
истиқбол ва муаммолар

МУСОҲАБА

Қатраси ҳам сув

Бебаҳо сувимизни бежиз қатрасини зарға қиёслаб, оби-ҳаёт деб атамаймиз. Чунки хонадонларимизда маълум вақт у бўлмай қолса, худди ҳаёт тўхтаб қоладигандай дарров ҳаракатга тушиб қоламиз. Шу дамда жўмракдан шариллаб оққан сув худди бизга қайта жон бағишлагандек беҳад қувонтиради. Шундай бўлсада, ҳаммамиз ҳам сувнинг қадрига етавермаймиз, баъзида уни бепарволик билан исроф қиламиз, қанча машаққатлару маблағлар эвазига етказиб берилаётган тоза ичимлик сувини беҳудага сарфлаймиз. Мухбиримизнинг Шайхонтоҳур тумани оқава сувлар бошқармаси бошлиғи Хайрулла ҒУЛОМОВ билан суҳбати қимматбаҳо неъматни аҳолига етказиб бериш ва авайлаб-асраш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди:

— Бошқармамизда меҳнат қилаётган 70 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг асосий мақсади — туманимиз аҳолисини ўз вақтида, етарли даражада ичимлик суви билан таъминлаш, юзага келган носозликларни имкон қадар тез ва соз бартараф қилиб, намунали хизматни ташкил этишдир, — дейди Хайрулла Ғуломов. — 28.250 дан ортиқ абонентимиз бор. 63 та саноат корхоналари, 584 та маиший-коммунал ташкилот ва муассасаларга хизмат кўрсатамиз. Шуни айтиш лозимки, туманимизда сув етказиб беришда хизмат кўрсатаётган қувурларнинг 40 фоизи уч марта муддатини ўтаб бўлган десак бўлади. Лекин шунга қарамай мавжуд 42 километр узунликдаги сув қувурларини ҳар йили соз ҳолга келтириб, имкониятлардан унумли фойдаланяпмиз. Ўтган йилда 3 километрдан ортиқ носоз қувурларни янгиладик.

— Туман аҳолисига бир маромда сув етказиб беришда, шу билан бирга ундан тежаб-тергаб фойдаланишда қандай амалий ишлар бажариляпти?

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Турар жой фондларини сув ва газ ҳисоблагичлари билан жиҳозлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори асосида иш юритиб, корхона, ташкилот, муассаса ва ҳар бир хонадонга сув ўлчагичлар ўрнатишни режа асосида ташкил этганмиз. Ўтган йиллар давомида туман бўйича 6500 тадан зиёд сув ҳисоблагичлар ўрнатилди. Айниқса, жорий йилда бу борадаги ишларимиз яхши бормоқда. Бунга асосий сабаб аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг олиб борилаётгани, шунингдек сув ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларда сув ва маблағ тежалишига муваффақ бўлинаётганидир. Жорий йилда 4506 та сув ҳисоблагич ўрнатишни режалаганмиз. Ҳозирда ойига 400 тага яқин асбоб ўрнатаяпмиз.Ўтган тўққиз ой мобайнида хусусий хонадонларга 3400 тадан ортиқ, кўп қаватли уйларнинг хонадонларига эса 1000 тадан зиёд сув ҳисоблагичлар ўрнатиб бўлинди. Шунингдек, «Белтепа». «Қоратош» мавзеларидаги янги кўп қаватли турар жой биноларидаги хонадонларнинг барчасига сув ўлчагичлар ўрнатилган.

Айни кунларда «Кўкча», «Оқлон», «Исломобод» маҳаллаларига, шунингдек Самарқанд Дарбоза кўчасидаги 32 хонадонли 202/3-уйга, «Қоратош» мавзесидаги 12 қаватли 4-уйга сув ҳисоблагичлар ўрнатиш ишларини тугатиш арафасидамиз. Энг қувонарлиси эса юқоридаги кўп қаватли уйларнинг хонадон эгалари ўзлари ана шундай асбобларни тезроқ ўрнатиб беришимизни сўраб мурожаат қилишди. Бу борада 6 та махсус бригадамиз фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Жамол Бегалиев, Рустам Ҳошимов етакчилигидаги бригада аъзолари алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда.

— Ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларда натижалар сезиляптими?

— Албатта. Мен ўзим ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларда бўлиб, натижаларни кўрдим. Масалан, йилига тариф асосида 16-20 минг сўмдан ҳақ тўлаган хонадон эгалари ҳисоблагичлар ўрнатилгач, 5-6 минг сўмдан тўлаб, ҳам сувни тежаяптилар, ҳам ўз ҳамёнларига фойда қилишмоқда. Яна бир мисол. Туманимиздаги «Сузук ота» маҳалласида яшовчилар 4 йил давомида сув босими пастлигидан, айрим хонадонларда умуман сув бўлмаслигидан шикоят қилишарди. Лекин аслида ичимлик суви маҳалла орқасидаги жарликка доимо оқиб исроф бўлиб ётарди. Ушбу маҳаллага 90 фоиз сув ҳисоблагичлар ўрнатилгач, ана шу исрофгарчиликка чек қўйилди ҳамда аҳолига сув тўла етиб бормоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сирасини айтсак сув ҳисоблаш ускунасининг фойдасини ҳар бир хонадон эгаси ўзи амалда сезиб, кўриб амин бўлмоқда. Унинг бебаҳо неъматни тежаб-тергашдаги аҳамияти катта эканлигини бугунги тажриба яққол исботламоқда. Шу боисдан ҳам хонадонларига ана шундай асбоб ўрнатишни истаганлар сони ортиб бормоқда. Биз бундан жуда мамнунмиз ва доимо уларга беминнат хизмат кўрсатишга тайёрмиз.

— Шу ўринда қишки мавсумга тайёргарлик хусусида ҳам икки оғиз тўхталсангиз.

— Туман аҳолисини кузги-қишки мавсумда бетўхтов, сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида амалга оширишни кўзлаган тадбирларимизни режа асосида олиб бораяпмиз. Ибн Сино мавзесида 600 диаметрли сув қувури таъмирланди, шу кунларда Ғафур Ғулом кўчаси бўйлаб ўтган 1200 диаметрли сув қувурини таъмирлашни бошлаб юбордик. 13 та кичик қозонхона, 26 та сув ташлагичлар тўла таъмирдан чиқарилди. Шунингдек бошқармамизда кечаю кундуз навбатчилик ташкил этилган бўлиб, юзага келган носозликларни вақтида бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим: ҳар биримиз тоза ичимлик сувини тежаб-тергаб ишлатсак, исрофгарчилигининг олдини олсак, бу билан келажак авлод олдидаги бурчимизни тўла бажарган бўламиз. Бу эса биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Суҳбатдош Шароғат БАҲРОМОВА

Ҳозирда пойтахтимизда 400 тага яқин уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан пойтахтимизда биринчи марта 31 хилдаги касб ходимларининг кўрик-танлови ўтказилди. Ана шу кўрик танловда Мирзо Улуғбек туманидаги «Ҳумоюн-замондош» ширкати «Энг яхши ширкат» номига сазовор бўлди.

ҲАМ СУЮНАСИЗ, ҲАМ КУЮНАСИЗ

БАҲОНА ЭМАС, ИМКОНИЯТ ҚИДИРИШ ЛОЗИМ

ёхуд бир тумандаги икки ширкат ҳақида

Туманда биринчилардан бўлиб ташкил этилган бу ширкат тез орада ўзининг намунали ишлари билан яшовчилар эътиборини қозонди. Чунки бу ерда ишлар «Излаган имкон топади» қабилида олиб борилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Ширкатга 33 та уй бириккан бўлиб, 9 ҳамда 5 қаватли турар жой биноларида 3458 нафар аҳоли истиқомат қилади.

— Ҳар бир ишда тартиб-интизом биринчи ўринда турмоғи керак, — дейди ширкат бошқаруви раиси Карим Кенжакаев. — 22 та уй бошқарувчиларимиз бошқарув аъзолари бўлиб, ойига 2 марта йиғилиб қилинган ишлар муҳокама этилиб, режалар белгилаб олинади. Йиғилишларда «Ҳумоюн» маҳалласи оқсоқоли ва фаоллари ҳам қатнашишади. Чунки биз ҳамиша улар билан бамаслаҳат иш юритамиз. Яшовчилар билан ҳамжиҳатлик, улар билан ўтказилаётган учрашувлар ўз самарасини бермоқда.

Ширкат иш бошлаган даврида 7,5 миллион сўм қарзи бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг ҳаммасидан қутулди. Бугунги кунга келиб бирорта ҳам ёзма шикоятлар йўқ, тушган буюртмалар эса ўз муддатида сифатли бажарилмоқда. Бу борада ширкатнинг 27 нафар ходими сидқидилдан меҳнат қилаяпти. Айниқса, чилангар-сантехник Бахтиёр Жонадаров, фаррош Тамара Туляшова, диспетчер Мелс Манучаровларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ўтган давр давомида ширкатда анчагина ишлар амалга оширилди. Барча уйларнинг ертўла ҳамда ён-атрофлари тартибга келтирилди. Қишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Томлар таъмирланиб, барча уйларнинг йўлакларига металл эшиклар ўрнатилди. Профилактика ишлари вақтида ўтказилди. Албатта, бу ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Яшовчилар билан келишилган ҳолда фойдаланиш харажатлари тарифи 60 фоизга оширилди. Хизмат даражаси ҳам ана шунга боғлиқ ҳолда ортиб бормоқда. Маҳалла билан ҳамкорликда фаввора қурилди.

— Ширкатимиз маҳалла билан ҳамкорликда иш юритаётгани яхши натижа бераётганини алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди Карим Кенжакаев. — Айниқса, маҳалла оқсоқоли ҳамда 25 ва 26-уйларнинг бошқарувчиси Зикрилла Эрматов ҳамиша биздан ёрдамини аямайди. Ходимларимиз ҳар бир ишни пухта бажаришга, намунали хизмат кўрсатишга интилганлари боис ҳам яшовчилар ишончини қозондик, ишимиз олға силжимоқда. Режаларимиз ҳам кўп, имкониятларимизни ишга солиб қўшимча даромад топиш йўлларини излаяпмиз. Келгусида металл эшиклар ҳамда ойналар учун тўсиқлар ишлаб чиқарадиган цех очиш ниятидамиз. Асосий мақсадимиз эса барча уйларимизни шаҳримизнинг энг намунали бинолари даражасига кўтаришдир. Бунинг учун анчагина саъй-ҳаракат, меҳнат қилиш зарурлигини жуда яхши биламиз.

«Ҳумоюн-замондош»даги ишларни кўриб, «Қани энди шаҳримиздаги барча ширкатларда ҳам шундай бўлса эди» деб ўйлашимизнинг боиси бор, албатта. Чунки таҳририятимизда худди шу туманда фаолият кўрсатаётган «Жўра-Камол» ширкатига қарашли 3-уйдан қўнғироқ қилишган хонадон эгалари ширкатда ходимлар қўнимсизлиги ва лоқайдликлари туфайли ишлар ўлда-жўлда эканлиги ҳақида арз қилдилар.

Биз бунга амин бўлиш ниятида ширкатга йўл олдик. Ширкат жойлашган 4-уй ёнидаги йўлакда хонадон эгалари ҳам ўз арзларини қуйидагича баён этдилар.

— Ширкат ташкил этилганига 1 йилдан ошган бўлсада, — дейди 10-хонадон соҳибаси Салима Муродиллаева, — бирорта ўзгаришни сезганимиз йўқ. — Томларимизни таъмирлаб беришди, лекин ҳақини тўладик.

— Ертўлада доимо сув бўлгани боис, йўлакларимизни қаранг захлаб девори кўчиб ётибди, — дейди 9-хонадонда яшовчи Санобар Назарова. — Мана узоққа бормайлик, ертўлага бир назар солинг. Ширкат ходимларининг ўзи бу жойни ахлатхонага айлантириб юборишган.

Ўтган давр мобайнида ушбу ширкатда 4 марта бошқарув раиси ўзгарибди, лекин аҳвол аввалгидай қолаверган. Ахир раҳбарни эмас, ишга бўлган масъулиятни ўзгартириш лозимлигини ўйлаб кўриш керакмиди. Раис Мансура Бўтаева меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли ёрдамчиси, ҳали ишга келганига бир ой ҳам бўлмаган Акмал Рихсиев билан суҳбатлашдик.

— Тасарруфимизда 14 та кўп қаватли уй бўлиб, уларда 341 та хонадон аъзолари яшашади, — дейди Акмал Рихсиев. — Ишларимизни секин-аста давом эттираяпмиз. Ҳозирда аҳолининг 9 миллион сўм қарзи бор. Қарздорлар билан ишлаяпмиз. Шу пайт хонага кириб келган 4-уй, 31-хонадон соҳиби Ҳасан ака Тоиров ўз арзларини баён қила кетди.

— Хонадонимда бир эмас, уч ногирон яшайди, — деди у. — Ҳожатхоналаримиздаги тиргак қувурларни бир кўринг. Сув оқавериб занглаб ётибди. Ҳадеб намлик бўлавергач деворлардаги гулқоғоз ва кафеллар ҳам кўчиб ётибди. Ҳар куни арз қилиб кираман, аммо бирон- бир натижа йўқ. Бунинг устига жорий йилда биз яшаётган уйда профилактика ишлари ҳам ўтказилгани йўқ...

Ширкат раиси ёрдамчиси эса бунга эътироз билдириб, профилактика ўтказилганлиги ҳақидаги уй бошқарувчиси қўл қўйган ҳужжатни кўрсатди. Лекин бир нарса ажаблантиради кишини. 2 соат юқори босим остида профилактика ишлари олиб борилсаю бундан хонадон эгалари бехабар қолишса. Бизнингча ишлар қоғозда эмас, амалда бўлгани яхшироқ-да. Ана шунда арзлар ҳам, нохуш ҳолатлар ҳам кам бўлади. Шунингдек, маҳалла билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги ҳам кўриниб турибди. Чунки, Акмал Рихсиевнинг айтишича, ширкатда 2 тагина кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оила бор. Ана шуларга Мирзакалон Исмоилий маҳалласи билан ҳамкорликда ёрдам кўрсатилса бўладику. Буларнинг барчаси учун ишлаш, имкон топиш керак. Ваҳоланки, бир йилдан ошган бўлсада ширкат ходимлари битта хонада, ҳеч қандай шарт-шароитсиз ишлашмоқда. Шароит яратилмагач ишлар ҳам шунга яраша бўлади-да. Қишга тайёргарлик ҳам кўнгилдагидек кетаяпти, деб айтиб бўлмайди.

Ёзаверсангиз гап кўп, яшовчиларнинг ширкатдан норози бўлиб айтган гапларининг барчасини қоғозга туширишнинг эса иложи йўқ. Хулоса қилиб айтганда, ходимлар қўнимсиз бўлган, масъулиятсизлик бор жойда ишлар ҳам шунга яраша бўлади. Чунки шундан хулоса чиқариш мумкинки, кўплаб хонадон эгалари ширкат раиси кимлигини ҳам билишмайди. Ишлар кўнгилдагидек бўлиши учун эса яшовчилар билан ҳамжиҳатлик ўрнатиш, раҳбарнинг масъулиятини ошириш, имкониятларни ишга солиш керак. Ҳеч бўлмаганда, қўшни ширкатлар фаолиятига назар солмоқ, уларнинг тажрибасидан ўрганмоқ керак. Ана шундагина ширкатнинг истиқболи бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Хонадонларингиз иссиқ бўлишини хоҳласангиз...

Ҳар бир фаслнинг ўзига яраша гашти бўлади. Лекин шу билан бирга ўлкамизга ҳадемай қиш кириб келади. Шу боисдан ҳам ҳар йили ҳамшаҳарларимиз дилидан «Қишда хонадонларимиз иссиқ бўладими?» деган савол кечади. Ҳатто улар шу савол билан таҳририятимизга мактуб йўллаб, қўнғироқ қилишиб бу борада амалга оширилаётган долзарб юмушлар ҳақида сўрашмоқда. Ана шуни инобатга олиб пойтахтимиздаги «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси техник директори Абдухалил ВАЛИЕВга мурожаат қилдик. Абдухалил ака жамоадаги қишга тайёргарлик ва бу йўлда уларга тўсиқ бўлаётган асосий муаммолар, уларнинг ечими ҳақида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари учун 2002-2003 йиллар иситиш мавсумига тайёргарлик кўришга доир амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан хулоса чиқаришнинг вақти етиб келди. Бу ишлар жорий йилнинг апрель ойидан бошланиб, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган, пойтахт хўжалик юритувчи субъектларининг кузги-қишки даврга тайёргарлик кўриш дастурига биноан амалга оширилмоқда. Ушбу давр ичида бирлашма тузилмасига кирувчи иссиқлик манбалари тўла тайёрланди, иссиқлик тармоқлари юқори босим ва ҳарорат остида синовдан ўтказилди. Бунинг натижасида синовга бардош бера олмаган 302 та «нозик» жойлар тузатилди. Маблағ ва ашёлар мавжудлигига қараб эскирган қувурларни қайта ётқизиш ишлари давом эттирилмоқда, уй-жойларнинг иссиқлик бўғинларини таъмирлаш ишлари охирига етай деб қолди.

Лекин бирлашма бўйича мавжуд бўлган дебиторлик қарзлар қишга тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган барча ташкилий-техник тадбирларни тўлалигича маблағ билан таъминлашга халал бераётир ва иссиқлик энергетикаси ходимларида жиддий ташвиш туғдирмоқда. Зеро, иситиш мавсумини меъёрида ўтказиш учун материаллар ва жиҳозларнинг авариявий захираси тўлиқ барпо этилмаган, иссиқлик тармоқлари жиҳозларини намунавий мукаммал таъмирлаш бўйича жадвалдан орқада қолиш ҳоллари мавжуд.

Дебиторлик қарзи, ўз ўрнида, бирлашмага ўзининг кредиторлари билан тўла ҳисоб-китоб қилиш имконини бермаётир, уларнинг асосийлари «Тошиссиқликмаркази» ва «Тошиссиқликэлектрмаркази» акциядорлик жамиятидир. Улар ҳам қишга тайёргарлик кўриш бўйича ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш учун маблағга муҳтождирлар. Бизнинг хонадонларимизга ва иш жойларимизга берилаётган иссиқлик ўз навбатида уларнинг узлуксиз ишлашига боғлиқ. Айниқса, бу Сергели тумани ва Чилонзор мавзесида яшовчи аҳоли учун тушунарли. Чунки ўтган йилги иситиш мавсумида 5-сонли (Чилонзор) ва 8-сонли (Сергели) иссиқлик марказлари ишларида узилишлар содир бўлган эди. Ҳозирги вақтда ўтган йилги қиш сабоқлари инобатга олинди. 8-иссиқлик маркази бўйича кимёвий сув тозалагичларини қайта қуриш ишлари бажарилди, бу эса Сергели уй-жой мавзеси минтақасини барқарор иссиқлик режими билан таъминлаш имконини беради. 5-иссиқлик маркази бўйича иссиқлик билан меъёрида таъминлашга эса 2 та қозоннинг қиздириш юзасини алмаштириш ва аккумулятор бакини ўрнатиш ҳисобига эришилди.

Аҳолининг қарздорлик бўйича улуши жуда катта бўлиб, 2,8 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этади. Бу пуллар авариявий захира барпо қилишга, ашёлар ҳисоб-китобини қилишга ва ўз вақтида маош тўлашга, энг асосийси, турар жойлар, болалар боғчалари, мактаблар, касалхоналарни қишга яхшилаб тайёрлашга бемалол етган бўлар эди. Бирлашма томонидан дебиторлик қарзларини узиш учун қатъий чоралар кўрилмоқда. Ҳар бир туман бошқармаси ходимлари ҳар ойда ўрта ҳисобда қарзлари бўлган 6 мингдан 7 мингга яқин турар жой эгалари ёки хонадонни ижарага олган шахслар билан учрашишга ва суҳбат ўтказишларига тўғри келмоқда, тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Қарздорнинг мавжуд бўлган қарзи ҳақида иш жойига расмий равишда хабар бериш ҳам амалиётга кириб бормоқда. Сергели туманида 30 та узоқ муддатли қарздорларнинг иш жойига хатлар жўнатилди. Натижада 13 та қарздорлар томонидан 170 минг сўм миқдорида тўлов амалга оширилди.

Баъзи бир фуқароларнинг боқимандалик кайфиятини йўқотишнинг энг асосий йўли уларга қонун тартибида чора кўришдир. Бунда қарзи бор бўлган фуқароларга даъвонома тақдим этилади ва агарда, қарздор унда кўрсатилган пул миқдорини белгиланган муддатларда тўламаса, ишлар хўжалик судига топширилади. Жорий йил мобайнида бирлашма томонидан 34900 та эътирозлар ва 2029 та даъвономалар берилди. Ҳозирги кунгача 442 та иш судга оширилган. Пул тўламайдитган шахсларнинг кўпчилиги даъвони олганларидан сўнг ишни судгача олиб бормай ўз қарзларини тўламоқдалар. Масалан, Собир Раҳимов тумани бўйича берилган 57 миллион сўм миқдоридаги 5231 даъвонома бўйича 1500 хонадон эгалари 16 миллион сўмдан ошиқ миқдордаги ўз қарзларини тўладилар. Бектемир туманида берилган 675 даъвономадан 608 таси бўйича пул тўланди.

Бошқа туманлардаги аҳвол анчагина ёмон, масалан, Шайхонтоҳур туманида уй-жой эгаларига ва хонадонни ижарага олганларга берилган 1962 даъвонома бўйича 126 та, Ҳамза туманида берилган 4741 даъвонома бўйича 180 та қарздор ўз қарзларини тўлаган. Узоқ вақтдан буён ҳақ тўламайдиган шахслар иши судга бериш учун тайёрланмоқда, уларнинг энди қарзларидан ташқари яна суд харажатларини ҳам тўлашларига тўғри келади.

Коммунал-фойдаланиш ва уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан олдинги йиллар қарзини тўлаш ишлари бўш амалга оширилмоқда, уларга 2002 йилнинг май ойигача қарзларни тўлаш муддати белгиланган. Лекин, шу пайтгача барча туманлар бўйича, Бектемир туманидан ташқари, 815 миллион сўмдан ошиқроқ миқдордаги қарзлар мавжуд. Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларида қарзларни тўлаш жуда суст амалга оширилмоқда, уларнинг улушлари барча қолган тўлов миқдорининг 69,3 фоизини ташкил этади.

Бирлашма 9152 хонадон эгалари билан шартнома туза олмаяпти, чунки улар ё хонадонларга кўчиб кирмаганлар, ёки хонадонда уй эгалари қаерда туриши ҳақида хабар бермайдиган ижарачилар яшайдилар. Бу хонадонларга ҳақ ёзиш Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 20 февралда рўйхатга олинган «Ўзбекистон аҳолисига коммунал хизматлар кўрсатиш Қоидалари»га биноан амалга оширилади, унга кўра уй эгаси ёки уни ижарага олган шахс бир ойдан ошиқ муддатда йўқ бўлган тақдирда, фойдаланиш харажатлари ва марказий иситиш учун ҳақ тўлаш улар йўқ бўлган барча давр учун тўлалигича амалга оширилиши лозим. Бўш ётган хонадонлар бўйича ёзилган тўловлар 45 миллион сўмга яқин миқдорни ташкил этади. Бу албатта, каттагина маблағдир, шунинг учун бирлашма ходимлари ушбу хонадон эгаларини қидириб топиш ва улар билан шартнома тузишга катта куч-ғайрат сарфламоқдалар. Бу ишга уй қўмиталари, қўни-қўшнилар жалб қилинмоқда, ҳокимликларнинг хонадонлар билан шуғулланувчи бўлимлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларига сўровномалар йўлланмоқда, агар хонадонда ижарада турувчилар бўлса, уй эгаларини қидириш учун солиқ инспекцияси жалб қилинмоқда. Ана шу ишларнинг натижаси ўлароқ кейинги 1,5 ой ичида бўш ётган 975 та хонадон эгалари топилди ва улар билан шартнома тузилди. Бирлашмамиз билан шартномавий муносабатларни расмийлаштирмаган, бўш турган лоақал биттагина хонадон қолган бўлса ҳам бу ишлар давом эттирилади. Иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун шартнома тузишдан бўйин товлайдиган баъзи бир уй-жой эгалари ва ижарада турувчи шахсларнинг мавжудлиги бирлашмани қаноатлантирмайди. Шаҳар бўйича ана шу каби 1792 хонадон мавжуд бўлиб, уларга 20 миллион сўм ҳақ ёзилган.

Энди уларнинг асосий важ-карсонларига келсак, иситиш мавсумида уларнинг хонадони етарли иситилмайди. Ҳа, албатта, қозонхоналарга газ етарли даражада етказиб берилмаганлиги оқибатида шаҳар иссиқлик манбаларидаги кўрсаткичларнинг пастлиги, иссиқлик тармоқларида содир бўлган авариялар тузатилаётган чоғда иссиқлик етказиб бериш мажбурий тўхтагани туфайли етарли иситиш имкони бўлмаган вақтлар ҳам бўлган. Бундай ҳолларда, агар иссиқлик таъминотида узилиш бир кеча-кундуздан кўпроқ содир бўлганда, бирлашма ўз мижозлари билан қайта ҳисоб-китобларни амалга оширади. Етказиб берилмаган ёки етарли бўлмаган иссиқлик учун қайта ҳисоб-китоблар қилиш уй-жой эгалари ёки ижарада турувчилар, ширкат вакиллари ва бирлашмамизнинг туман бошқармалари ходимлари томонидан имзоланган далолатномаларни ўз вақтида тақдим этилиши асосида амалга оширилади.

Уй-жойларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш чегаралари ширкат ва бирлашмамиз ўртасида тақсимлаб олинганлиги сабабли марказий иситиш таъминотидан фойдаланувчи аҳоли, иситиш тизимида пайдо бўлган носозликлар ва камчиликларга доир ўз эътирозлари бўйича кимга мурожаат қилишини яхши билиши лозим. Уй пойдеворидан то хонадонларгача бўлган уй ичи иссиқлик тармоқлари ва жиҳозлари уй-жой эгаларининг жамоа мулки ҳисобланиб, уларга ширкат жавобгардир. Ана шунинг учун хонадон ёмон иситилиб, қўшни хонадонлар меъёрда иситилса ёки хоналардаги барча тик иситиш қувурлари бир хил иссиқ бўлмаса, бу ҳолда эътирозлар ширкатга тегишли бўлади, чунки иссиқлик бўғинидан кейин жойлашган уй ичи иссиқлик тармоқларидан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун бажарилган ишлар далолатномасига биноан улар бирлашмадан техникавий қоплашга пул маблағи оладилар ва аҳоли фойдаланиш харажатлари кўринишидаги ҳақ тўлашни амалга оширади.

Ички иссиқлик таъминоти тизимида ўчишлар, тиқилиб қолишлар, беркитгичлар ва вентилларнинг носозликлари, бузилишлари, иссиқлик тизимига ўзбошимчалик билан улаб олишлар бўлган тақдирда ширкат истеъмолчига фойдаланиш харажатларини қайта ҳисоб-китоб қилиш йўли билан зарарни қоплаб беришни амалга ошириши лозим. Уйларнинг кириш йўлакларида қишки пайтда иссиқликни сақлаб қолиш (эшик, деразаларни зичлаш, ойналарни қўйиш) ишлари учун масъулият ширкатга юклатилади.

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси иссиқлик энергиясини иссиқлик бўғинига етказиб беришга жавобгардир. Иссиқлик бўғинини ва унга уйда уланган қувурларни таъмирлаш, ундан фойдаланиш хизматлари кўрсатишни амалга оширади.

Хонадон ичида ўрнатилган ва уларнинг хусусий мулки бўлган ускуналарнинг ҳолати учун хонадон эгаларининг ўзлари тўлиқ жавобгардирлар. Шунинг учун ўзларининг иситиш асбобларининг вақтида тозаланиши, ИСТ кранлари ва уларга уланган қувурларнинг соз ҳолатда бўлиши ҳақида уларнинг ўзлари қайғуришлари лозим. Бундан ташқари, хоналар яхши исиши учун деразалар ва эшик тирқишлари зич беркитилган бўлиши керак.

Шунингдек, истеъмолчиларга шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иссиқлик энергиясини истеъмол қилишга доир тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосан тугалланди ва бирон-бир сабабга кўра «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузмаган фуқароларни турли хил жазо чораларини қўлламасдан бу ишни амалга оширишга чақирамиз. Совуқ тушишига ҳали вақт бор ва унгача барча имкониятлардан фойдаланиб қолишга улгуриш мумкин. Бунинг учун иссиқлик энергетикаси хизмати ходимлари ўз меҳнатларини бахшида қилаётган инсонлар — аҳолининг ёрдами зарур. Бу ёрдам эса — фойдаланаётган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўлашдан ва истеъмол қилинаётган иссиқлик ва иссиқ сув учун йиғилиб қолган барча қарзлардан иложи борича тезроқ қутулишдан иборатдир.

Шароғат БАҲРОМОВА

ЖАМИЯТ

Ўзбекистон Республикасининг Мустақилликка эришганига ҳам ўн бир йилдан ошди. Ўтган ўн бир йил ичида мамлакатимиз бозор иқтисодиётининг зарур босқичларини босиб ўтиб, бу йўналишда ўзининг муҳим ва мустақил йўлини танлади ва топди. Қисқа фурсат ичида республикамизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнига асос солинди.

Истеъмолчи ҳуқуқи қонун ҳимоясида

Янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизлари яратилди, қисқа муддат ичида давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, эскича фикрлаш тарзларини бартараф этишдек чора-тадбирлар амалга оширилди. Кўриниб турибдики, ҳозирда муҳим ва катта вазифалардан бири халқимиз ва ўсиб келаётган ёшларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларда мустақил давлат, келажаги порлоқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси, деган юксак фахр ва ғурурни шакллантириш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур ҳис қилган ва ўз ҳуқуқларини талаб қила оладиган фуқаролик жамиятини қуришдир.

Истиқлолга эришилган илк йиллардан бошлаб ушбу ишларга ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берила бошланди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган Республика Олий Мажлиси томонидан бир қатор Қонунлар ва Республика Президентининг Фармонлари қабул қилинган. Мазкур директив ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунидир. Мазкур Қонун Олий Мажлис томонидан 1996 йили қабул қилинган бўлиб, унга жорий йилда тегишли ўзгаришлар киритилди ва ҳозирги кунда ҳаётга татбиқ қилиб келинмоқда.

Биз жамиятда қандай ўринда бўлишимиздан қатъи назар раҳбарми ёки муаллим, оддий ишчи ёхуд талаба, барчамиз истеъмолчи ҳисобланамиз. Истеъмолчи сифатида ҳар куни савдо дўконларидан маҳсулотлар харид қиламиз ёки бизга маиший, коммунал, телефон, транспорт ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилади. Савдо дўконларидан маҳсулотлар харид қиларканмиз ёки турли хизматлар кўрсатилар экан истеъмолчи сифатида биз ўз ҳуқуқларимизни биламизми? Ушбу масалалар «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда аниқ ва равшан белгилаб берилган. Агар биз Қонун билан яқинроқ танишиб чиқадиган бўлсак, унинг 4-моддасида истеъмолчи маҳсулотни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши, 6-моддасида истеъмолчига маҳсулот ёки хизмат кўрсатишнинг баҳоси ва сотиб олиш шартлари, ишлаб чиқарувчининг кафиллик мажбуриятлари, сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига тўлиқ маълумот берилиши тўғрисида кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг 10-моддасида истеъмолчиларга маҳсулотни касса ёки товар чеки бермасдан сотиш, 12-моддасида эса, яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки муддати ўтиб кетган маҳсулотларни қабул қилиш ва сотиш таъқиқланиши белгиланган. Қонун моҳияти билан танишиб чиққан ҳар бир истеъмолчи, унинг ҳуқуқлари қонун ҳимоясида эканлигига амин бўлади.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига асосан мазкур Қонун назорати Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Республика стандартлаш ва сертификатлаш маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари зиммаларига юклатилган. Шуларга асосан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан Қонуннинг ижросини назорат қилиш ва унинг мақсад, моҳиятини тарғиб қилиш борасида мунтазам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Агар эътибор берган бўлсангиз шаҳримизнинг гавжум кўчаларида, метрополитен вагонларида ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида қонун тарғиботи, харидор, сотувчи ва хизмат кўрсатувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини акс эттирувчи реклама мосламалари, плакатлар жойлаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг ташаббуси билан мазкур Қонун 5 минг нусхада китобча тарзида, қўмитанинг Тошкент шаҳар Бошқармаси томонидан 2000 нусхада буклет шаклида чоп этилиб, олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари, мактаб ва маҳаллаларга бепул тарқатилди. Лекин очиқ айтишимиз керак, қонун тарғиботи бўйича олиб борилаётган ишлар ҳали етарли даражада эмас.

Қонун ижросини назорат қилиш масалаларига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан 2001 йил якунларига кўра 232 та текширувлар ўтказилиб, натижада 178 та корхоналарда турли хилдаги камчиликлар аниқланган. Текшириш якунларига кўра қонун талабларини бузган корхоналарга нисбатан 5371 минг сўм миқдорида жарималар қўлланилди. Бошқарма томонидан қонунбузарликларни тўхтатиш бўйича 156 та кўрсатмалар берилган. Жорий йилнинг ўзида бошқарма томонидан Давлат солиқ инспекциялари, Ўздавстандарт, санитария ва эпидемиология марказлари билан ҳамкорликда бозор ва савдо дўконларида ўтказилган рейд текширувлари натижаларига кўра сертификатсиз, қалбаки бўлган умумий миқдори 1 миллиондан зиёд маҳсулотлар савдодан олиб ташланган.

2001 йил якунларига кўра бошқармага истеъмолчилардан 84 та шикоят аризалари келиб тушган. Шуларнинг 72 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган бўлса, жорий йилда 99 та ариза келиб, шулардан 92 ариза ижобий ҳал этилган. Жорий йилнинг ўзида истеъмолчиларга 1 миллионга яқин маблағлар қайтариб берилган. Ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузарликлар ва истеъмолчилардан келаётган шикоят аризаларининг аксарияти хизмат кўрсатувчи, савдо нуқталари ва дорихоналар томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида белгиланган чекланган нархларнинг асоссиз ўсиши, истеъмолчига нуқсонли товарлар сотилиши, яроқлилик муддати тугаган маҳсулотлар сотилиши ва жамиятимизда долзарб бўлган коммунал соҳага оид ҳисобланади.

Ўзимизга ўзимиз бир савол бериб кўрайлик: савдо дўконларидан, дорихоналардан маҳсулотлар сотиб олинганда маҳсулот ва дори воситаларининг яроқлилик муддатларига, уларнинг қалбаки эмаслигига, мувофиқлик сертификатларига ёки касса чеклари берилишига аҳамият қаратамизми?

Чекланган нархда сотилиши керак бўлган шакар, ун, нон, дори-дармон каби маҳсулотлар бўйича айрим савдо дўконларида нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўйилаётганлигини биламизми?


Коммунал соҳада иссиқлик, ичимлик суви ёки лифт учун истеъмолчилар томонидан тўловлар ўз вақтида тўланади, лекин ушбу хизматлар мутасадди ташкилотлар томонидан сифатли амалга ошириладими? Ушбу саволларга жавоб бериш учун «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг мақсад ва моҳиятини билишимиз керак. Мазкур Қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларимизни билмаганимиздан, энг ачинарлиси юқорида айтиб ўтилган камчиликларни била туриб эътибор бермаслик, бировнинг кўзига нима қиламан ёмон кўриниб» қабилида иш тутишимиздадир. Бу албатта ачинарли ҳолат.

Хизмат кўрсатиш соҳасига эътибор берсак, Қонуннинг 20-моддасида истеъмолчи товар ёки хизмат кўрсатишнинг нуқсони туфайли етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга деб белгиланган. Агар бирон-бир хизмат ёки товарнинг нуқсони туфайли зарар кўрсангиз, сиз кўрилган иқтисодий ва маънавий зарарларнинг тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгасиз. Истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишларини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига, шунингдек монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Назорат қилувчи органлар томонидан қанча текшириш ўтказилмасин, қанча назорат қилинмасин агар истеъмолчи ёки сотувчи, хизмат кўрсатувчилар ўзларининг ҳуқуқларини, мажбуриятларини чуқур ҳис этмас эканлар тўлиқ камчиликларнинг олдини олишнинг имконияти бўлмайди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан ўрта таълим мактаб раҳбарлари ва муаллимлари билан ўтказилган семинар ана шу долзарб масалаларга қаратилди.







ИСТИҚЛОЛ — ОЛИЙ НЕЪМАТ

ҚУДРАТ НУҚТАСИ

Аждодларнинг Истиқлол йўлидаги жасорати авлодлар учун мангу андозадир

... Тарих саҳифаларини, уларда ўз аксини топган турли-туман воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни қайд этмоқ – бу уларни ўзлари зикр этилган саҳифаларида қандай ифода этилган бўлса, шундайлигича такрорламоқдан иборат эмас. Бинобарин, бизнинг вазифамиз устини чанг босиб, кўп ҳолларда эса қуюқ туман қопланиб ётган ушбу тарихий ҳодиса ва жараёнларни ҳозирги замон кўзгуси шуъласи билан ёритиб, сўнгра баён қилмоқ, бугунги авлодларга етказмоқдан иборатдир. Ахир, нега биз «ўтмишни ёритиш» деган сўзларни кўп ва қайта-қайта ишлатамиз? Ҳа, ғубор қатламлари ҳали-ҳамон кўзимиздан яшириб, тўсиб турган мозийни ҳозирги замон ақл-идрокимиз чироғи – мушоҳада ва муқояса воситаси ила ёритсаккина у бугунги кунда олдимизда кўндаланг турган вазифаларни тушунишга ва ҳал этишга ҳамда замонамиз талабларига хизмат қилади. Такрор айтамизки, бу жараёнга ҳар тарафлама, теран мушоҳада ва тўғри муқояса ила, ҳаётнинг маъно ва мақсади нуқтаи назаридан қараш бирдан-бир адолатли мезондир. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқ лозимки, бугунги кунни кечаги кун воқеаларини ёритиш йўли билан ҳам ифода этиш мумкин. Бундай ҳолларда мозий билан бугунги кун орасидаги парда кўтарилади, чегара йўқолади. Зеро, биз таҳлилига киришаётган асар ҳам жуда қадим ўтмишда — милоддан аввалги IV асрда бўлиб ўтган воқеаларни, яъни Искандар Зулқарнайн босқини давридаги воқеаларни акс эттириш мақсадини кўзлайди ва у «Табаррук тахт» деб номланган.

Асарнинг мазмун доираси ана шу табаррук тахт ҳамда унинг кимларга насиб этиши масаласи атрофида айланади. Шу ерда савол туғилади: дунёда тахт учун кураш фақат ўша замонларда бўлганми? Ҳаммага аёнки, тахту бахт масаласи олам ва одамзод пайдо бўлибдики, барча замонларда бўлган, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади.

Менда ушбу мақолани ёзиш истаги туғилган заҳотиёқ бутун хаёлимни «миллий истиқлол ғояси» деб аталган эзгу тушунча қамраб олди. Ўйлардим, ўйлардим, хаёл сурардим. Хаёлимда туғилган саволларга ўзим жавоб излардим. Бизда қачон туғилди бу атама ва қутлуғ тушунча? Кўзларимни юмиб ҳамон жавоб қидирардим. Ва ниҳоят, кўз ўнгимда тарихий манзара намоён бўлди. 1991 йил 31 август. Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ўтмоқда. Халқимиз етакчиси Ислом Каримов юраги тўлқинланиб, ҳаяжонга тўлиб мамлакат мустақиллигини эълон этмоқда. Мажлис аҳли қимир этмай, жон қулоғини бериб тинглайди. Буюк тарихий воқеа рўй бермоқда: залдагилар ҳайратда, сукунат...

Нима, одамлар шунчалар бефарқмикин юрт озодлиги, Ватан мустақиллигига? Шубҳа йўққи, битта-иккитани истисно қилганда, ҳамманинг юраги тўлқин урарди, ҳаяжонланарди. Зеро, эрксеварлик туйғулари барчамизнинг қалбимизда. Лекин бу қалбларни ҳали ҳадик тарк этмаган, уларда қўрқув, андиша ҳукмрон эди. Ҳали эрксеварлик туйғулари кўнглимизнинг теран тубида, олис ички қатламларида, қаърида мудраб ётарди. Ҳали ғафлат уйғусидан уйғонганимиз, қутулганимиз йўқ эди. XX аср охири ва XXI аср бўсағасидаги тарихий бир даврда тақдири азал тақозоси ва замон талаби билан халқ раҳнамоси бўлиб етишган, узоқни кўра билган сиймонинг тобора қатъийлашиб бораётган оташин даъватидан, мустақиллик ҳақида қайта-қайта айтаётган сўзларидан кўпчилик чўчиб уйғонгандай ва сакраб бошқа бир замонага, тамоман янги давру давронга қадам қўяётгандай бўлганди ўшанда. Аммо айримлар ҳамон мудрар, ғафлат оғушида эди.

Нега? Ахир, ҳазилакам гапми, биз бир ярим аср мобайнида қулликда, асоратда яшашга мажбур бўлдик. «Ҳуррият», «Истиқлол» деган сўзларни ҳатто тилга олишдан таҳликага тушардик. Бугун эса қалбимиз тўлқинланиб миллий истиқлол дея баралла бонг урамиз. Илоҳим, ушбу Қутлуғ Неъмат қалбларимизни ҳам, она Тупроғимизни ҳам абадул-абад тарк этмагай!..

Мен миллий истиқлол ҳақида батафсил гапираётганимнинг боиси шундаки, ҳозир қўлимга қалам олиб ёзаётганим мақоланинг асл мағзини ҳам ана шу қутлуғ мавзу ташкил этади. Бугун қалбимиз ичра ғафлат уйқусидан уйғониб, бизнинг қутлуғ туғимиз – байроғимизга айланган миллий истиқлол ғояси авваллар ҳам, айтайлик, қадим замонларда ҳам аждодларимизда бормиди?!.

Ёзувчи Йўлдош Мукимовнинг «Табаррук тахт» асарида ана шу саволга жавоб топгандай бўламиз. Асарнинг бош қаҳрамони Спитамен етакчилигидаги тўққиз Ҳур Бургут тимсолида миллий истиқлол ғояларимиз куртаклари мужассам бўлган деб ҳисобламоқ мумкин. Зотан, миллий ғоя уруғлари ўлмасдир, мангудир. У қон ва жон ила қалблардан қалбларга, қутлуғ туғ – байроқ тарзида қўллардан қўлларга, авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Зеро, куртаклар ўсади, шох ташлайди, барг ёзади, гуллайди, мева беради...

Афсуски, айрим замонларда бу уруғлар сийрак ёки хато униб чиқди. Униб чиққанларининг ҳам куртаклари мажруҳ ва майиб бўлиб ўсди. Не бахтки, бу қутлуғ уруғлар бизнинг давру давронимизга келиб қийғос униб чиқиб, гуррос ўсмоқда ва гулламоқда, баравж ва бақувват новдалар отмоқда, қудратли қанот ёймоқда.

Мазкур асарни ўқиб бўлар эканман, фикру-зикримни турли-туман мулоҳазалар қуршаб олди. Улардан энг биринчиси шуки, асарнинг «Ғурур – дур эрур...» номли бобида Қалқама лақабли паҳлавон Юнон полвони билан курашга тушиш олдидан майдонни бир неча бор айланиб, сўнгра чўкка тушиб она Ерни ўпади ва ушбу курашда ўз рақибини мағлубиятга учратади. Нега Қалқама полвон эгилиб, таъзим қилиб она Ерни ўпди-ю, Юнон полвони бундай қилмади, балки аксинча, мағрурона қад кўтариб, ўзини кўз-кўз қилиб, рақибини назар-писанд этмай, курашга чиқди!?.

Чиндан ҳам, асарнинг ана шу лавҳасини ўқиб, ўйга ботдим. Негаки, мен Антей билан Геракл ўртасидаги кураш ҳақида қадим замонларда айтилган афсонани ўқиган эдим. Афсонада ҳикоя қилинишича, Геракл енгилмас Антейнинг оёғини ердан узиб, кўтариб турган ва шундан кейин у заифлашгач, енгган. Негаки Антей ўз она Еридан қувват олишдан маҳрум бўлган. Ажабо, бундай сеҳр ва ҳикмат тўла одат кимдан-кимга ўтган. Юнондан – Туронгами ёки Турондан – Юнонгами?

Бу ўринда мен ҳақли бир ҳукм чиқаришга ожизман. Лекин паҳлавонларга бой ўз юртимдаги қариялар даврасида эшитганларим яхши эсимда: донишлар кўп ҳикоя қилишарди. Не сабабдан она Ер одамга мадад беради? Ана шу ҳикоялардан англашимча, Ер қаъридаги кўп кучлар, олтин ва кумушга ўхшаган инсонга қувват берувчи маъданлар заиф тана ва руҳга куч-қудрат бағишлар экан. Ахир бизнинг зувалимиз ҳам ана шулардан йўғрилган эмасми?! Зеро, бизнинг жисмимиз ҳам, меҳримиз ҳам она Тупроқ ичрадир. Табиийки, энг қадимий ўзбек ўйини – миллий курашимизда полвонлар зарур пайтда она Ердан мадад олганлар ва бу одат ҳамон давом этмоқда.

Мен ушбу лавҳа устида муфассал тўхталганимнинг сабаблари бор. Асар давомида ана шу – Таянч нуқтаси ҳақидаги ғоя ривожлантирилади. Яъни Юнон ва Турон паҳлавонлари ўртасидаги кураш лавҳаси асардан узилиб қолмайди, аксинча, зикр этилган шу ғояларни кенгайтиришга ва равшанлаштиришга хизмат қилади.

Далилларга мурожаат қилайлик: «Табаррук тахт» асарида бош ижобий қаҳрамон – Спитамендан ташқари бир қанча салбий образлар борки, агар Спитамен она Ер меҳридан бахраманд бўлса, улар ана шу меҳрдан маҳрумдирлар ва шунинг учун ҳам лаънатга маҳкумдирлар. Улар кимлар? Биринчи ўринда бу – Спитаменнинг қайнотаси, Навтака ҳокими Аробадир. Ароба – ҳоинлик ва сотқинлик мужассами. У ўз манфаати йўлида ҳар қандай жирканч ишдан қайтмайди, вазиятга қараб турли қиёфага, буқаламун каби турли тусларга киради. Эрон салтанати даврида шаҳаншоҳ Доро III – унинг «маъбуда»си, Доро III Искандардан енгилгач эса ўша заҳотиёқ ундан юз ўгириб, ўзини Эрон ҳукмдори деб эълон қилган Бес тарафига ўтади. Орадан кўп вақт ўтар-ўтмас Туроннинг обрў-эътиборли раҳнамоси Спитаменга қизини бахш этади. Спитамен Искандарга қарши халқ қўзғолонига бош бўлгач эса ундан воз кечади. Воз кечадигина эмас, ўз она Юртининг миллий қаҳрамонига қарши курашади, Искандарнинг пинжига кириб олиб, унга ёрдам кўрсатади. Аробага она Юрт, Ватан, халқ керак эмас, олий мартаба бўлса бас. Шунинг учун юқорида зикр этилган мағлуб полвонлар сингари у ҳам она Ер мададидан маҳрум. Ўзига ёт унсурни она Тупроқ ва унинг қаъридаги барча инсу-жинслар, яъни қувват берувчи Кучлар қабул қилмайди, инкор этади, лаънатлайди.

Ароба якка эмас, албатта. Бундайлар якка бўлганида яхши эди. Афсуски...Маълум давргача Спитамен билан бир сафда бўлган, Ватан мустақиллиги учун курашган туроний Оқсуорт, Хориён каби ҳокимлар ҳам зўр келгач, Ватанга садоқат каби ўз олий бурчларини адо этишдан қайтадилар, босқинчилар сафига ўтадилар. Оқсуорт, ҳатто шу даражага бориб етадики, ўз сиймили қизи Рухшанани Искандар Зулқарнайнга туҳфа этади.

Мен нега бу ҳақда батафсил сўзламоқдаман? Оддий бир ўқувчи, китобхон сифатида мени уларнинг хоинлиги нафратлантиради, Ватан фидойиси Спитаменнинг оғир кураш майдонида якка қолганлиги қалбимни яралайди. Тарих саҳифаларидан ва биз таҳлил қилаётган асардан ҳам маълумки, Ватан фарзандлари бир тан, бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, якдиллик билан ҳаракат қилган кезларида ўз мақсадларига эришганлар, эзгу манзилга етганлар. Жаҳонни титратган, енгилмас деб ҳисобланган Александр Македонский қўшинларининг Зарафшон бўйларида ва Мароканд остоналарида қақшатқич зарбага учраганлиги, мағлуб бўлганлиги бунга ёркин далилдир.

Демак, бундан: куч-қудрат таянчи – бирликда, деган хулоса чиқади ва мен ушбу мулоҳазаларимда ана шу барча замонларда ҳам долзарб бўлмиш мавзуга: қудрат таянчи – нимада, қайда эканлигига алоҳида урғу беришни лозим топдим. Асарнинг «Низою қазо – азо» («Ғалаба нашидасими ё касофат кашидаси?») бобида яқиндагина Спитамен етакчилигида душман устидан ғалаба қозонган, кейин эса буюк саркарда эл ичидан қўшин тўплаш учун кетган кезда аянчли ҳолга тушган суғд, массакент, сак элатлари жангчиларининг қирилиб кетиши манзараси бериладики, бунга тарихимизнинг аччиқ саҳифалари гувоҳдир.

Ана шу элатларга қарашли жангчилар Искандар қўшини қўлидан тортиб олинган ўлжалар устида ўзаро низо чиқарадилар ва бир-бирларидан ажралиб, ҳар қайсиси ўз юртларига тарқалиб кетадилар. Шароб ва чакидадан маст-аласт бошқа жангчилар эса душманга ем бўладилар. Илгари олиб кетилган ўлжалар ҳам яна ғанимлар қўлига ўтади. Чиндан ҳам, ачинарли ҳол. Ғалаба нашидасими бу ё касофат кашидаси? Ушбу аччиқ сабоқ Таянч нуқтаси қаерда-ю, йўлдан тойиш нуқтаси қаердалигини яққол кўрсатиб турмайдими!?.

Бежиз эмаским, «Табаррук тахт»нинг бош қисмида Нурота тизма тоғлари чўққиларидан бирида жойлашган Нолиштош манзараси тасвирланади. Халқ ривоятига кўра, ушбу тош ватанпарвар миллий саркардамиз Спитаменга қиёс этилади. У ўз умр йўлдошидан жудо бўлиб, яқин дўстларидан ҳам ажралиб, вафосизлар дастидан нолиш қилар экан, содиқ қолган фақат бир неча дўстлари ила сор Бургут сингари қояларга ташланиб ҳалок бўлади, ўзи ҳам қоятошга айланади ва ҳамон ёлғизлик дардидан инграйди. Албатта, бу – ривоят. Лекин бу ривоятда халқ нима демоқчи? Зафар ва бахт – бирликда, ризоликда; фалокат ва бебахтликлар эса – низода, деб келгуси авлодларга таълим бермаётирми!?.

Ана шу ғоя бутун асар бўйлаб ўқариқ сифатида унинг хулоса қисмига ҳам бориб етади. Мангу тошга айланиб қолган Нолиштош – Спитамен турли замонлардаги авлодларни якдилликка, бир тану бир жон бўлиб яшашга чорлайди. У бизга таълим беради. Қудрат нуқтаси ана шундадир:

«Турон тупроғидан қориқ хамирмиз,
Теран илдизига боғлиқ томирмиз.
Шу эл киндигидир таянч нуқтамиз,
Анга бош кўямиз ва ёстанамиз.
Қудратли қоялар бўлур хонамиз,
Ёнсалар – ёнамиз, қотса – қотамиз.
Ётиб кучоғида обдон қонамиз,
Тўлғонса – тўлғониб, боз уйғонамиз!..»

...Нолиштош – халқнинг бой бадиий хаёлоти, теран тафаккури яратган ҳамда унинг мардонавор миллий қаҳрамонлари мужассам бўлган, баркамол ва мангу образдир.

Асар муаллифининг таъкидлашича, Нолиштош ҳақидаги ривоятни бувиси Нурмомо ҳикоя қилган, Нурмомога эса ўз навбатида унинг бувиси Севара-Себаға айтиб берган. «Севара» лақабли ёки тахаллусли отин аёл Хоразм воҳасидан, ҳозирда Қорақалпоғистон ҳудудидаги Амударё тумани таркибига кирувчи Манғит мавзесидан – Қизилқум саҳросига кўчиб келган шоир-оқинлар шажарасидандир. Ушбу шоирлар шажарасининг асосчиси бобои калон Саидмурод эса «Сўфи Саид» тахаллуси билан диний-ахлоқий шеър, ривоят ва нақллар, достонлар айтган. Ҳа, ёзмаган, дўмбира торларини чертиб куйлаган. Фақат халқ орасида бор асарларни куйлаб қолмай, ўзи ҳам янгиларини тўқиб ижод қилган. Оилавий мерос сифатида бу асарлар авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтган. Сўфи Саиднинг ижод сандиғида асралган нақл, ривоят, достонларни Севара-Себаға, сўнгра эса Нурмомо ўз келгуси авлодларига етказган. Бу асарлар орасида Широқ ва Туморгис, Соқамен - Спитамен тўғрисидаги нақллар алоҳида ўрин тутади. Ана шу афсоналарнинг навбатдаги давомчиларидан бири Йўлдош Оташнинг айтишича, Севара-Себаға, Нурмомо ва унинг ота тарафдан бобоси - Қўлдош Оташ Туморгис ҳақидаги нақлни «Ойсулув» номи билан айтган. Агар машҳур оқин Эргаш Жуманбулбулнинг момоси Тиллабуви ҳам мазкур достонни айнан шундай атаб куйлаганлигини эсласак манзара янада ойдинлашади. Демак, бу нақллар фақат Сўфи Саид, Севара-Себаға, Нурмомо ва Қўлдош Оташлар шажарасига мансуб оқинлар оиласидагина эмас, Қизилқум саҳроси атрофларида, жумладан Нурота томонда ҳам айтиб келинган. Дарҳақиқат, Конимех ва Нурота яйловларидаги чўпон ўтовлари ёнма-ён ва бир-бирига туташиб кетгандир. Хулоса қилиш мумкинки, бепоён Қизилқум саҳроси бўйлаб яшаб, ижод қилган шоир, оқинлар эҳтимол битта мактабга мансубдирлар. Таги туташ булоқлар ва қудуқлардан сув ичганлар. Шул боис уларнинг оғзаки асарлари ғоя ва мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин, ўхшаш, улардаги ҳаёт - тарих ҳақиқати эса кўрган-билганлари ва эшитганлари асосида тўғри ҳамда ҳаққоний яратилган ва бизга ажнабий тарихнависларнинг кўп ҳолларда чалкаш бўлган фикрларидан кўра қимматлироқдир. Бу ҳақиқатни сўзлар эканман, яқиндагина нашр этилган бир китобдаги адолатли мушоҳада хотирамда жонланади. Сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраевнинг «Тарих фалсафаси» асарида ўқиймиз:

«Тарихни тадқиқ қилиш ва ёзишда биз ўз миллий психологиямиз, анъаналаримиз ва миллий мушоҳадамиздан келиб чиқамиз. Шу боис ўзбек халқи тарихини ёзган бошқа миллат вакили бўлган ажнабий олим билан ўзбек олимининг нуқтаи-назари бир-биридан фарқ қилади.

Бунинг икки жиҳати бор: ***Биринчидан,*** *бегона қалб, бегона дунёқараш ҳар қандай шароитда ҳам бегоналигича қолаверади. У ҳеч қачон бошқа бир миллатнинг миллий хусусиятларини, унинг ўтмишдаги мураккабликлари ва зиддиятларини тўлалигича ҳис қила олмайди.*

Иккинчидан, *фан ниқобидаги сиёсий ўйинлар ва мақсадлар ҳам борки, бу дахшатли ва миллат бошига қирон келтирувчи мафкура билан боғлиқ. У тарих ҳақиқатини атайлаб бузади, уни ҳеч бўлмаганда чалкаштиради. Бунга зид равишда ўз миллий тарихнавислик анъаналаримизни тиклашимиз даркор. Масалан, ўтмишда ўтган кўплаб муаррихларимиз асарларида турли ривоятлар, афсоналар, ҳикматлар, ҳикоятлар учрайди. Бу нарсалар тарихий факт ва ҳақиқат сифатида алоҳида қимматга эга бўлмаса-да, аммо воқеалар моҳиятини англашимиз ва тафаккур, мушоҳада тарзимизнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади».*

Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда, «Табаррук тахт»да келтирилган ривоятлар диққатга сазовор. Зеро, ривоятларда халқ нафаси уфуриб туради. Унинг дунёқараши, воқеаларга ҳаққоний муносабати акс этади. Чунончи, ажнабий тарихнавислардан бири – Квинт Курций Руф Спитаменни ўз хотини қўлида нобуд бўлган деса, иккинчи бири – Арриан уни ўз қабиладошлари низосининг қурбони бўлган, деб таъкидлайди. Спитаменни туғиб вояга етказган халқ эса тамоман бошқа ҳукм чиқаради. Ўз ривоятларида уни ўлмас даҳо сифатида улуғлайди, илоҳийлаштиради. Халқ наздида Спитамен ва унинг сафдошлари – ҳур Бургутлари барча замонлар учун мангу жасорат андозасидир. Асарнинг охирги саҳифаларига кўз ташлайлик.

Дахшатли ва таҳликали манзара. Спитамен ва унинг саккиз нафар сафдошлари душманга таслим бўлишдан кўра ўлимни афзал кўрадилар. Спитама бошчилигидаги бу Ҳур Бургутлар Тахтизар қалъаси тепасидан она-Ватан манзараларига ҳавас ва суқ ила қараб пастда, жарликда қаланиб ётган қояларга Ҳур Бургутлар сингари ташланиб мардонавор ҳалок бўлиш олдидан бугунги авлодларга мурожаат қиладилар, уларни жасоратга чорлайдилар. Ушбу даъват буюк халқ қасоскорларининг ўз дилларидаги мақсад ва ғояни ёркин акс эттиради:

«СПИТАМА (бошини икки қўли ила қисиб):
Ҳаёт ғоят ширин валек бир нафас,
Чақин янглиғ ўчар чиқармайин сас.
Бироқ чақмоқ ўтар ерга нур сочиб,
Зим-зиё кечани оппоқ ёритиб.
...Тиз чўкмак – ҳалокат, фалокат, ўсал,
Жасорат гўзалдир, эзгу ном азал.
Не ажаб тилларда бўлсак биз ғазал,
Минг йил қаро кундан ушбудир афзал!
Боз ўйга ботадир, юз ва кўзларида ғазаб ва нафрат ёнадир, овози сал пасайиб бошқа оҳангга ўтадир:
Инсон гўдакликда йиғлаб туғилур,
Охир-оқибатда боз йиғлаб ўлур.
Мардлар на йиғлар ва на бўзлар,
Хандон уриб мудом шодон сўзлар.
Не бахтдир марду мардона кетмак,
Мангу макон, эзгу манзилга етмак.
Вақти келур элга такрор қайтурмиз,
Қолган сўзни юртга шунда айтурмиз».

Ҳа, Нолиштош бўсағаларида мангу ором олиб ётган тўққиз сор Бургутнинг номлари эзгулик нури ила шуъла сочадир. Ва бугун миннатдор авлодларнинг тилларида ғазал бўлиб янграйдир. Улар эришолмаган мақсад ва ғояларга авлодлар етдилар. Спитамен айтганидек, бугун мардлар яна элга қайтдилар ва айтилмай қолган сўзни халқнинг янги туғилган асл ва довюрак фарзандлари тилидан айтдилар. Қадимда айтилмай қолган бу қутлуғ Сўз бугун бизнинг муқаддас байроғимизга айланган Миллий Истиқлол ғоясидир.

Буюк раҳнамонинг даъвати – васиятида яна шундай сўзлар бор:

«Бериб Бургутларга Табаррук тахтни
Элга қайтаргаймиз йўқолган Бахтни!»

Ҳақ рост! Йиқилган Табаррук тахт тикланди, юксак парвозли Ҳур Бургутларга топширилди, ўғирланган бахт қайтиб эл бошига қўнди!

Олимжон НАЗАРОВ,
журналист

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

● Низомулмулк исмли вазир олийжаноб ва одил экан. Биров ҳадя келтирса барчага баробар бўлиб берар экан. Бир куни бир боғбон унга учта эртанги бодринг келтирибди. Вазир бирин-кетин учала бодрингни ўзи еб қўйибди-да, боғбонга минг динор иноъом берибди. Вазир боғига дам олгани чиққанда унинг бир мулозими сўрабди:

— Жаноб, сиз нима учун учала бодрингни бир ўзингиз едингиз, бундай одатингиз йўқ эди-ку.

Одил вазир мулойимлик билан жавоб қилибди:

— Бодринглар тахир экан, бошқаларга берсам тахирлигига чидаёлмай дехқонга ёмон сўз айтиб юборадилар, унинг дили озор чекарди.

● Бир донишманд шундай деди:

— Истироҳат ва уйқуга майл қилмасдан илгари шу уч нарсани эсингизга туширинг. Аввало, бугун сиздан бирор хато иш ўтдими, йўқми? Агар ўтган бўлса, қандай тадбир билан тузатиш мумкин? Шуни ўйланг.

Иккинчидан, бугун халқ манфаати йўлида бирорта хайрли иш қилдингизми, йўқми? Шунинг андишасини қилинг.

Учинчидан, эсланг, бепарволигингиз ва ишга совуққонлигингиз туфайли қайси ишингиз амалга ошмай қолди?

● Араб олимларидан Шофийи айтади:

— Қилич ва найза билан ҳосил бўлмаган кўп ишлар юмшоқлик, мулойимлик билан ҳосил бўлади. Ғазаб келтирган зарар ғазабланган кишининг ўзига қайтади.

● Қадимги Эрон ҳукмдорларидан Анушервон айтади:

— Инсонга олий ҳиммат бўлиш тақдир этилгандир. Олийжаноб бўлган бир табиб боқаётган беморни ҳиммат давоси билан даволайди, жаҳоннинг ободлиги олий ҳиммат ли кишилар соясида бунёдга келади.

● Мурод, мақсад хазиналари меҳнат кўприги устидадир.

● Ҳаёт бамисоли кўзгу — ҳар бир инсон унда ўз аксини кўради. Агар хўмрайиб боқсанг, ҳаёт ҳам сенга зарда билан қарайди. Унга доим табассум билан боқ, ана шунда ҳаёт сенга дўстона кўл чўзади.

● Ақл улуғликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди.

● Бир кишининг «Хур» исмли жуда чиройли хотини бор эди. Душман билан бўлган урушга у йигит бормай, уйига қайтди. Одамлар таъна қилиб, унга:

— Эй номард, нега урушга бормай қайтиб келдинг? Кофирни ўлдирсанг ғози, ўлсанг — шахид бўлиб, қиёматда жаннатга кириб, «Хури ийни» га бўлардинг, — дедилар.

У йигит айтди:

— Уйимда ўзимнинг Хурим бор. Битта «ийн» деб ўлишни истамайман.

● Икки дўст учрашиб қолиб, бириси иккинчисига ўз ҳолидан шикоят қилиб деди:

— Дўстим, ҳолим жуда оғир, меъдам ҳеч нарсани қабул этмайди, жуда кучсизман, кўзларим тинади, бошим айланади, кўнглим айнайди, оёқларим қалтирайди, кечалари кўзимга уйқу келмайди, иситмалаб ёнаман. Мабодо дўстларим сендан менинг ҳолимни сўрасалар, уларга шундай деб айт, — деди.

Дўсти унга:

— Тўхта дўстим, мени кечир, бундай узун сўзларни эсимда сақлаб қололмайман. Сенинг ҳолингни сўраганларга қисқача қилиб: «Бечора дўстим вафот қилди», дейман қўяман, — деб жавоб берди.

Қадим замонда ёғ ва асал билан савдо қилувчи бир бой ўз қўшниси тақводор одамга ихлосманд бўлиб, ҳар куни унга ёғ, асал юбориб турарди. Тақводор текин келиб турган бу неъматдан озгина еб, қолганини уй токчасида турган хум идишга солиб қўярди. Оз фурсат ичида хум тўлди.

Бир кун тақводор хумга қараб севиниб, ўз-ўзига деди:

«Бу йиғилган ёғ, асални қиммат баҳога сотиб, бешта қўй оламан. Қўйларимнинг ҳар бири олти ойда иккитадан туғса, бир йилда йигирмата бўлади. Кейин булар ҳам туғиб берсалар, тез фурсатда анча қўйга эга бўламан. Қўйларимнинг бир қисмини сотиб, ҳовли-жойимни тузатаман. Уйимни янги асбоблар билан тўлдираман. Бу ишларим битгандан кейин обрўли бир одам қизига уйланаман. Тўққиз ой ўтгач, хотиним бир ўғил туғиб беради. Уни тарбиялаб ўстираман. Агар ўйинга қизиқиб, буюрган ишимни дарров бажо келтирмаса, қўлимдаги ҳасса билан ураман», деди ва ўғлини ўз олдида фаҳмлаб, ҳассасини токчага урди. Ҳасса токчадаги хумга тегиб, уни синдирди, хум ёрилиб, тақводорнинг боши, юзи ва кийимлари ёғ, асал билан беланди.

● Ҳар бир ишда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган киши ҳамма вақт муваффақият қозонади. Эҳтиётсизлик эса зиён-заҳмат келтиради.

Кимки қилмас ҳар ишига эҳтиёт,
Ул ишидан топмагай ҳаргиз нажот.

● Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқаси унутилади.

● Умрнинг ҳамма соатларини фойдали ва соғлиққа мувофиқ машғулот билан тўлдиринг, қайғу-алам бош суқадиган жой топмасин.

● Насиҳатни олмайдиган одам бахтсиздир.

● Яхши фазилатли бўлиб кўринишда маъно йўқ. Асл маъно чинакам фазилатли бўлишдадир.

● Нодон одам ўзи билмаган, тушунмаган нарсани ё муқаддас, ёки куфр, деб билади.

● Одамлар учун хотирда сақлаш, унутмаслик накадар зарур бўлса, баъзи вақтда унутиш ҳам шу даражада зарур.

● Ярамас, бузуқ ишларнинг эшиклари саноқсиздир. Ҳушёрлик, сезгирликни сира ҳам қўлдан берманг. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмасангиз, бузуқ йўлларга кириб кетганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Маишатингизнинг ҳозирча яхши ўтиб турганига мағрур бўлманг, оқибатини ўйлаб, шунга қараб ишингизни олиб боринг. Тавозени ўзингизга шиор қилиб олинг, манманликдан қочинг, камтар бўлинг.

Улуғлик айлама зинҳор, ўзингни камтар тут,
Кимдаки бўлса бу хислат, ажаб саодатдир.

● Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, ғўзал ҳулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

Ҳар кишида бўлса эрликдан нишон,
Ҳеч бир одамга раво кўрмас зиён.

● Бир донишманддан «Одамлар сўзлари ва ишлари жиҳатидан неча туркумга бўлинадилар?» деб сўрадилар.

У жавоб берди:

— Шу жиҳатдан одамлар тўрт туркумга бўлинадилар. Биринчи туркумдагилар бир ишни қилишга сўз берадилар ва сўзларининг устидан чиқадилар. Бу — ғўзал сифатли одамлар одати. Иккинчи туркумдагилар сўз бермайдилар, лекин индамасдан юриб ишларини кўнгилдагидек дўндирадилар. Бу — жувонмардлар одати. Учинчи туркумдагилар оғзини кўпиртириб сўзлайдилар, ваъда берадилар, аммо амалда ҳеч бир иш кўрсатмайдилар. Бу — мунофиқлар шевраси ва ҳийлакорлар ишидир. Тўртинчи туркумдагилар сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу — хасис ва пасткаш одамлар хислати.

● Қалб бошдан кўра ҳам тўғри ҳукм беради.

● Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин. Бирор жоҳил сўзлаб, олимни сукут эттирса, таажжуб қилманг, чунки тош гавҳарни синдира олади.

● Нодон киши ўзининг насл-насабига, олим киши эса ўзининг илм ва адабига таянади.

● Тарбиясиз одам жонсиз жасадга ўхшайди.

● Ҳақиқат ва тўғриликни севадиган одам доим виждони фармонига итоат этади ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайди.

● Виждон — ақлнинг қон томири, унинг уруши бизни доим яхши ва ёмондан вокиф этиб туради.

● Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра сукут қила билиш нодир фазилатдир.

● Ақл-ҳуш эгаси бўлган одам халқ билан дўстона яшайди. Халқ билан чиқишмаган одам роҳат юзини кўра олмайди.

Кимки эл бирла муроса қилмади,
Умрининг ширинлигин ул билмади.

● Маҳмадана, валдировчи одам очиқ бир мактубга ўхшайди. Уни ҳамма ўқий олади.

● Ҳар қандай мушкулликда ҳам нажот тўғриликдадир.

● Фарзанд олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки кулфат келтиради.

● Ота -онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан ҳурмат кутиши ножоиздир.

Янги изоҳли луғат

Бугунги кунда халқ хўжалигида манзарали полимер материаллардан кенг фойдаланилмоқда. Мутахассис олимларнинг илмий изланишлари эса бу хил материалларнинг янги хилларини яратиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли «Фан ва тараққиёт» республика илмий-технологик мажмуа лабораторияларида ҳосил қилинган полимер материаллар ўз сифати, мустаҳкамлиги ва нафислиги билан кўзни қувонтиради.

Эндиликда Тошкент кимё-технология институти, Тошкент Давлат педагогика университети, Ўзбекистон Миллий университети каби олий ўқув юртларида ҳам манзарали полимер материаллар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича йирик изланишлар олиб борилмоқда.

Шу тадқиқотлар жараёнида мазкур соҳага доир талайгина янги сўз ва иборалар юзага келди. Ана шу атамалар жамланиб, изоҳли луғат яратишга киришилди.

Бу нашрни босмага тайёрлашни «Фан ва тараққиёт» мажмуаси ўз зиммасига олди.

Акбар АЛИЕВ

Ҳамкорликда яратилди

Ўсимлик моддалари кимёси фани олдида қатор муҳим муаммолар турибди. Биологик фаоллик масалалари ҳам долзарб мавзу сифатида атрофлича тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институти олимларининг бу йўналишдаги илмий изланишлари ҳам самарали бўлмоқда.

«Фитоэкдистероидлар тузилмаси, биологик фаоллиги ва биосинтези» деган мавзуда бажарилган тадқиқот шулар жумласидан. Шуниси муҳимки уни амалга оширишда институт Буюк Британиялик кимёгар олимлар билан ҳамкорлик қилди.

Ушбу тадқиқот асосида тайёрланган монография йирик қўлланма сифатида босмага берилди.

Аҳмад АББОСОВ



Шаҳримиз кундан-кунга чирой очмоқда.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Малакали кадрлар учун замин

Васеда университети Япониядаги энг йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Бу нуфузли ўқув даргоҳи ўз ўқув технологиялари ҳамда илмий-тадқиқотлари билан халқаро доирада салмоқли ўрин тутмоқда.

Университет эндиликда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Японияга қилган расмий сафари чоғида юртбошимизга ушбу олий ўқув юртининг фахрий доктори дипломи топширилиши ҳам муҳим воқеа бўлди.

Ана шу сафар давомида Васеда университети билан ҳамкорлик бўйича шартнома тузилди. Ўзаро келишувга мувофиқ ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш, кадрларни айирбошлаш ҳам йўлга қўйилади.

Япония томони Ўзбекистонда мазкур олий ўқув юртининг шохобчасини очиш ниятида эканлигини маълум қилди. Бу эса мамлакатимизда Васеда университети таълим тизими бўйича малакали кадрлар тайёрлаш учун замин яратади.

Анвар РАҲМАТОВ

Болажонлар хушнуд бўлди

Сергели туманидаги «Йўлдош» маҳалласи гузарида кам таъминланган оилалар фарзандлари тўкин дастурхон атрофига жам бўлишди.

Шуни айтиш керакки, пойтахтимизнинг турли туманларида болажонларимиз кўнглини овлаб, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. «Соғлом авлод» жамғармасининг Сергели туман бўлими томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ногирон болаларга бағишланган тадбир ҳам ана шулар жумласидан бўлди.

Жамғарма раҳбари Санобар Абдуллаева болажонларга ўқув қуроллари тақдим этди. Шу йили мактаб остонасига илк қадам қўядиган ногирон болалар хонадонларига ҳам совға-саломлар етказиб берилди. Тадбирга Аброр Хидоятов номли маданият уйи санъаткорлари таклиф қилинган бўлиб, улар ўзлари тайёрлаб келган концерт дастурлари билан болажонларни хушнуд этишди.

Фозила ТОШПЎЛАТОВА

САЛОМАТЛИК

Юқумли ошқозон-ичак касалликларидан сақланинг

Барчамизга аёнки, ёз, куз ойларида ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, айниқса, болалар орасида ошқозон-ичак касалликлари кўп учраб туради.

Бу хасталикнинг келиб чиқиши иссиқ иқлим шароитида ичимлик сувининг кўп истеъмол қилиниши (5-10 литр) ва танадан кўп сув — туз чиқиб кетиши натижасида сув — туз моддалар алмашувини, ошқозон ширасида хлорид кислотанинг мўътадил мувозанати (меъёри), ферментларнинг овқатнинг ҳазм қилиш хусусиятлари ва сув-туз модда алмашувининг бузилиши, тез кўпаядиган касаллик қўзғатувчи вируслар, ичак касалликлари микробларининг ифлосланган ичимлик сувлари ёки озиқ-овқат, мева-сабзавотларнинг оғиз орқали киши танасига тушиб қолишига боғлиқ.

Ҳеч кимга сир эмаски, юқумли касалликларни тарқатувчи пашшалар, турли ариларнинг кўпайиши учун қулай шароитлар мавжуд бўлади. Чиқиндилар тўпланиб қолган жойларда, ҳожатхоналар, молхоналарда пашшалар кўпая бошлайди.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда пашшаларнинг етилиши учун 6 кун кифоя. Бир жуфт пашша олти кунда 75 жуфт бўлади, 15 кунда 422 минг, 30 кунда 150 миллиарддан ошиб кетади. Биргина пашша ичагида 28 миллион, қорни, оёқлари ва қанотларида 6 миллионга яқин ҳар хил касаллик қўзғатувчи микробларни, гижжаларнинг тухумларини ташлайди. Пашшалар юқумли касалликларни 1,5 километр масофагача тарқатиш хусусиятига эга.

Касаллик чақирувчи микроблар оқава, ариқ сувларида узоқ муддат яшайди. Ич терламани қўзғатувчи таёқча ариқ сувида 21 кун, музда 60 кун, ичбуруғ таёқчаси ариқ сувида 3 кун яшайди. Оқава сув тушган 1 грамм тупроқда умумий бактериялар сони 7-10 миллионгача бўлади. Ичтерлама таёқчаси турли хил тупроқларда 100-400 кунгача, ичбуруғ таёқчаси эса 25-100 кунгача яшайди.

Ичак касалликларига салмонеллез, ичбуруғ, колиинфекциялар, ич терлама, паратифлар, озиқ-овқат токсикоинфекциялари киради.

Бу юқумли касалликларнинг ҳар бирини маълум бир турдаги бактериялар ёки вируслар келтириб чиқаради. Улар киши организмига тушгандан сўнг ошқозон-ичак йўлида кўпаяди ва уларнинг деворларини яллиғлантиради, ўзларидан токсин, яъни заҳар ишлаб чиқаради, улар эса қонга сўрилиб, бутун танани заҳарлайди.

Юқумли ошқозон-ичак касалликлари соғлом одамга асосан оғиз орқали юқади. Бунда касаллик қўзғатувчи микроблар билан ифлосланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш жараёнида соғлом кишига юқади. Касаллик ушбу сохада аҳолига шу хизматни кўрсатувчилардан уйда, ошхонада, меҳмонхонада, ётоқхона, дўконларда ва бошқа шароитларда, ўйинчоқлар, идиш-товоқ, кўрпа-тўшак, кийим-кечаклар ва бошқалардан фойдаланиш натижасида юқади.

Ич кетар касалликлар деярли бир-бирига ўхшайди. Касаллик тез-тез ич кетиши, қусиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, қориннинг бураб оғриши ва дам бўлиши, лоҳаслик, дармонсизлик, кўнгил айнаши, иштаҳанинг пасайиши ёки йўқолиши, чанқоқлик, лаб ва тилнинг қуриб қолиши каби белгилар билан намоён бўлади. Ич кетар касалликлари болаларда кўп қайд қилиниб, хавфлироқ ўтади. Айниқса, она сутидан эрта ажралган, умуман она сутисиз боқилаётган болаларда ич кетар касаллиги кўп учрайди, оғир ўтади, ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шуни эътироф этиш керакки, жойларда ич кетар касалликларининг олдини олиш борасида кенг кўламда олиб борилаётган тадбирлар туфайли касалликларнинг камайишига ҳамда болалар ўлимининг ҳам камайишига эришилмоқда. Шу мақсадда, ҳар йили май ойидан бошлаб ич кетар касалликларининг олдини олиш бўйича республикамизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида қўмиталар (штаб) фаолият кўрсата бошлайдилар. Ҳар бир тиббиёт муассасасида ич кетар касалликлари юз берганда тиббий ёрдамни ташкил қилиш, яъни оғиз орқали шакар — туз (регидрон, ОРС — оғиз орқали регидратация суюқлиги) эритмасини ичириш пунктлари ташкил қилиниб, улар яхши самара бермоқда. Бу даврда тиббиёт ходимлари томонидан хонадонларни айланиш, беморларни ўз вақтида аниқлаш, шифохона ёрдамига мухтож бўлганларни дарҳол ётқизиш, ҳар бир хонадонда қайнатилган сув (чой) ташкил қилиш, тозалик ва санитария-мааориф ишлари кабилар кучайтирилади. Шулар туфайли йилдан-йилга ўткир ошқозон-ичак касалликларини қайд қилиш ва улардан ўлим ҳоллари камайишига эришилмоқда.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, юқумли ошқозон-ичак касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалиши ижтимоий ҳаёт, айниқса, аҳолининг турмуш даражаси, маданияти, тоза, сифатли ичимлик сув билан таъминланиш даражаси, атроф-муҳитнинг тозалиги ва шунингдек, бошқа турли ҳолатларга боғлиқ.

Холидахон АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси тиббиёт шифохонаси даволаш бўлимининг мудири.

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

«Тоғ зираги» сифатида ардоқланади

Ўлкамизнинг шифобахш ўсимликлари орасида наъматак мевасининг хосиятларини санаб саноғига етиш қийин. Ўта беор наъматак ўсимлиги диёримизнинг қарийб барча деярли барча тоғ этаги-ю, қоясидан тортиб маданий ҳолда ҳовли-ю, боғларда ўсади.

Наъматакнинг мевалари шифобахш ҳисобланади. Бундан ташқари ўсимликнинг гуллари, барги, ҳатто илдизларидан ҳам халқ табобати амалиётида атрофлича фойдаланилади.

Наъматак мевалари асосида тайёрланадиган дамлама ўпка сили, жигар, ўт пуфагининг яллиғланиши, ичак, буйрак, қовуқ касалликларини даволашда тавсия этилади. Шунингдек, наъматак мевалари асосида тайёрланадиган қайнатма қон тўхтатувчи, иситма туширувчи омил сифатида ҳам ишлатилади.

Халқ табобатида наъматак илдизларидан тайёрланадиган қайнатма қовуқ ҳамда буйракка тош келиб, оғриқ берганида ичилса дардга малҳамдир қилади.

Наъматак мевалари дамламаси одамнинг тинка қуриши, бедармонликда, камқонликда ижобий натижа берадиган синалган табиий даволардан ҳисобланади. Наъматак мевалари асосида тайёрланадиган дамлама болаларда қузатиладиган майда тошмаларни, йиринг-ли-септик асоратларга мойиллиги бор ўткир юқумли касаллик қизилча (скарлатина)-ни, терлама (тиф)ни ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади . Наъматак гулларидан жомча сифатида фойдаланилса, кўз шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларга даво бўлади.

Ўрта Осиё халқлари табобатида наъматак мевалари асосида тайёрланадиган дамлама ва қайнатмалар ичдан қон кетганда, безгак хуружида тавсия этилади, милк касалликларида оғиз чайилади, шунингдек аъзоларда модда алмашинувини яхшилаш мақсадида ичилади.

Замонавий тиббиёт амалиётида наъматак мевасидан асосли дамлама, экстракт ва шарбат ҳамда хапдорилар, холосас каби доривор воситалар тайёрланади. Мазкур доривор омиллар авитаминоз хасталиги, атеросклерозни даволашда, ўт-сафро ҳайдаш мақсадида тавсия этилади. Наъматак мевларида Р белгили дармондорилар йиғиндиси бўлганлиги туфайли, у майда қон томирчалари деворларининг эгилувчанлигини ошириб, уни мустаҳкамлайди.

Наъматакнинг инсон организмида хавфли бўлган юрак қон томирлари атеросклерозида холестерин миқдорини камайтириши ҳақида маълумотларга эгамиз. Шунингдек, наъматакнинг доривор препаратлари ўт пуфаги касаллиги — холециститда ҳамда сафро ажралишининг сустланиши билан боғлиқ бўлган касалликларда ижобий натижасини кўрсатади.

Ҳозирда Республикамизнинг гиёҳшарбатхоналарида қадоқланган ҳолдаги наъматак мевалари харидга чиқарилмоқда.

Уй-хонадон шароитида наъматак меваларидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйилади ва 1 ош қошиқ майдаланган мевалардан солиниб, 10 дақиқа давомида қайнатилади, сўнгра бир кеча-кундуз давомида қолдирилади. Қайнатма декада сузилгач, унга бироз шакар қўшилиб таъми яхшиланади. Шарбатдан кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин ярим пиёладан ичилади.

Маҳаллий аҳоли орасида «Тоғ зираги»дек ардоқланадиган наъматакнинг шифобахш хусусиятларидан ўз ўрнида фойдаланадиган бўлсак, киши аъзолари бир қатор хавфли хасталикларга нисбатан бардошли бўлади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

«050» — «ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ХАБАРЛАРИ

Ёш болага иш буюриб...

Халқимизда: «Ёш болага иш буюр, орқасидан ўзинг югур» деган ҳикматли мақол бор. Бу бежиз айтилмаган. Сергели тумани ИИБ ЙПХ ходими Бахтиёр Мавлонов ҳар галги одати бўйича тушликда уйга овқатланиш учун келди-да, 17 ёшли ўғли Дилшодга буюрди:

— Мен овқатланиб бўлгунча машинани яхшилаб ювиб қўй! Югур.

Отасининг ана шу бир оғиз гапини маҳтал бўлиб кутиб турган Дилшодвой хурсандлигидан тезда ишга киришди. Апил-тапил, «Нексия»ни ювгандек бўлдида, дадаси озроқ дам олгунча машинада кўчага сайрга чиқиб кетди. Илгариям оз-моз ҳайдаб ўрганган Дилшод катта йўлга чиққач машинани елдек учирди. У Сергели-5 мавзесида бораётганида олдидан асфальт йўлга номаълум бир киши чиқиб қолди. Тажрибасиз ҳайдовчи йўловчини босиб кетмаслик учун рулни чапга бурди ва машинани йўл четидаги бетон симёғочга зарб билан урди. Оқибатда машина тузатиб бўлмайдиган даражада шикастланди. Ўзининг эса қўли синиб, касалхонага ётқизилди.

Қутқарув хизмати ходимлари воқеа содир бўлган жойга етиб борганларида аянчли манзаранинг устидан чиқдилар. Дилшодни бу гал Худо асради: «Нексия» русумли, давлат рақами белгиси 10АА 401 бўлган машина эса қарийб яроқсиз ҳолга келганди.

Мана сизга ёш болага техникани ишониб топширишнинг оқибати. Ушбу воқеа транспортга эга бўлган ҳар бир ота-она учун сабоқ бўлиши лозим.

«Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларининг асл маъноси мана шу.

Чимилдиққа етмаган йигит

Жиззахлик 1978 йилда туғилган Нодир Тиллабоевнинг шу йил 27 августда никоҳ тўйи бўлиши керак эди. У тўй харажатлари учун томорқасида етиштирган қовун-тарвузларни Қўйлиқ бозорига олиб келиб бир неча кун мобайнида уларни харидорларга пуллади.

Ишни тугатгач чанг-тўзондан халос бўлиш, сувга бир шўнғиб чиқиш учун Қўйлиқ бозори ёнидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёсига кичик жиянчаси билан отланди. Кетаётиб ёнида савдо қилаётган ҳамкишлоғига 25 минг сўм миқдоридаги савдо пулини бердида ҳазиллашиб деди: — Амаки мана бу пулни олиб қўйинг. Қайтиб келсам ўзимга, борди-ю келолмасам уйдагиларга элтиб берасиз. «Фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин» дейишади деб кексалар бекорга айтишмаган. Нодирнинг олдиндан кўнгли сезганмиди, буёғи ёлғиз Оллоҳга маълум. У жиянининг қоптогини пўнқон ичидан олиб чиқаман деб ўзини сувга отди-ю, у ердан қайтиб чиқмади.

«050 — Қутқарув хизмати» ғаввосларининг икки кунлик тинимсиз изланишлари туфайлигина унинг жасади дарёдан олиб чиқилди.

Бунда тажрибали ғаввос Курбон Рабданов ва Дилшод Бозорбоевларнинг хизматлари катта бўлди. Сувда сузишни яхши билмаслиги туфайли бир йигитнинг гулдек умри ҳазон бўлди. Буёқда тўй тараддудида юрганлар азага дучор бўлишди.

Ҳурматли газетхон! Фарзандларингизнинг ёлғиз ўзини чўмилишга асло юборманг. Шароити номаълум бўлган дарё-ю кўлда чўмилиш ана шундай кўнгилсиз воқеа, ташвишни келтириб чиқаришини асло унутмайлик.

Ўткир САИДОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот марказининг раҳбари.

Чилонзор туман Маънавият ва маърифат марказининг ташаббуси билан «Президент асарларида миллий истиқлол ғояси, маънавият ва маърифат, хавфсизлик масалалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Фикрлашиб олинди

Маълумки Президентимиз асарларида баркамол авлодни вояга етказишда маънавият, маърифат ва хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу муносабат билан корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этган ушбу анжуманда ҳам кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда ва ёшларимизни етук инсон бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайдиган маънавият ва маърифат масалаларининг таҳлили хусусида ўзаро фикрлашиб олинди.

Шунингдек тадбирда сўзга чиққан фалсафа фанлари номзоди Азиза Зайниддинова ҳозирги пайтдаги жамиятимизнинг мақсад ва вазифалари, колаверса маънавият, маърифат масалалари Юртбошимиз асарларида ўз ифодасини топганлиги, шу сабабдан ёш авлодни юксак маънавият ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашимизда уларнинг аҳамияти катта эканлигига алоҳида эътибор қаратди.

Бахтиёр КАРИМОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган
—«Д» категорияли автобус ҳайдовчиларини (ўртача иш ҳақи 70000 сўм),
—трамвай ҳайдовчиларини (ўртача иш ҳақи 65000 сўм),
— троллейбус ҳайдовчиларини (ўртача иш ҳақи 50000 сўм),
—кондукторларни (ўртача иш ҳақи 40000 сўм)
уюшма корхоналарига

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Автокорхоналар манзили:
1-Автокорхона — З.Шамсуддинов кўчаси, 3-уй, тел.90-00-14
2—Автобус саройи — Паркент кўчаси, 283-уй, тел. 96-32-60
3-Автобус саройи — Мирпўлатов кўчаси, 57-уй, тел. 48-24-27
4-Автобус саройи — Чоштепа кўчаси, 27-уй,тел. 50-01-67
5-Автокорхона — Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Бордонкўл қишлоғи (Роҳат кўли яқинида) тел. 96-82-02
7-Автокорхона — Халқлар Дўстлиги кўчаси, 49-уй, тел. 79-95-34
8-Автобус саройи — Муродов кўчаси, 7-уй, тел. 24-05-10
12-Автобус саройи — Спутник даҳаси, 12-мавзе, тел. 58-37-47
18-Автобус саройи — Тошкент халқа йўли, Саноат ҳудуди, 8-а уй, тел. 47-03-36
2519-Автокорхона — Иркутск кўчаси, 20-уй, тел. 65-98-40
Трамвай ва троллейбус деполари манзили:
2-Трамвай депоси — Лутфий кўчаси, 57-уй, тел. 72-81-75
2-Троллейбус депоси — Арнасой кўчаси, 4-уй, тел. 53-75-25
3-Трамвай-троллейбус депоси — Темур Малик кўчаси, 3-уй, тел. 63-28-97

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси қошидаги ўқув ишлаб чиқариш марказида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда автобус, трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлаш курслари мавжуд.

Ўқув ишлаб чиқариш марказининг манзили — А.Фитрат кўчаси, 180 а уй, тел. 93-18-97.

Автобус, трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларига 21 ёшга тўлганлар қабул қилинади.

Автобус ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 6 ой,
Трамвай ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 5 ой.
Троллейбус ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 6 ой.

«ВС» тоифадаги ҳайдовчиларни автобус, трамвай ва троллейбус ҳайдовчиси касбига қайта тайёрлаш муддати — 2,5 ой.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Саъдулла Исматов номли 141-ўрта мактаб томонидан 2000 йилда Мирзаанвар Умаралиевич Набиев номига берилган О,R-АN№ 020064 рақамли 11-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳрида табиий газдан фойдаланувчи истеъмолчилар диққатига!

2002 йил 1 октябрдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 26 сентябрда тасдиқланган янги таърифлар жорий қилинди.

Истеъмолчи	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча нархга қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда (НДС)
«Ўзгазтранс» Акси магистрал газ қувурлари билан бевосита шартнома тузиш имкониятига эга бўлмаган улгуржи истеъмолчиларга «Бошкоммунгаз» корхонасининг газ сотувчи ташкилотлари томонидан бериладиган табиий газ учун	1000 м3	12900 сўм

1. Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган таърифлар

т/р	Истеъмол тури	Стандарт	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун таъриф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м3	39,20
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун иситиш учун	-//- -//-	10 м3 10 м3	67,76 31,42

2. Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун берилган таърифлар (ГОСТ 542-87)

т/р	Истеъмол тури	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича йиллик	тўлов (сўм) ойлик
2.1	Маиший газ плитасида марказий (якка иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун	1кишига 11 м3	894,96	74,58
2.2	Маиший газ плитасида марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун	1 кишига 15,0 м3	1219,68	101,64
2.3	Газли сув иситгичда марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланадиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун	1 кишига 16 м3	1298,88	108,24
2.4	Иситиш газ приборининг туридан қатъи назар, уйлар якка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан календарь йил мобайнида бир маромда фойдаланиш Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар учун	хонанинг 1 м3га иситиш учун 2,5м3 газ 2,4 м3 газ	 94,2 90,24	 7,85 7,52

«Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонаси

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 13.40 1 2 3 4 5 6